

Й. КОСИМОВ

НАМАНГАН

тарихидан
лавҳалар



Й. ҚОСИМОВ

НАМАНГАН
ТАРИХИДАН
ЛАВҲАЛАР
(1917 йилгача)

Масъул муҳаррир
Ўзбекистон ССР ФА ҳақиқий аъзоси А. АСҚАРОВ

ТОШКЕНТ
ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ
1990

63.3(2У)

Қ 52

Қосимов И. Наманган тарихидан лавҳалар (1917 йилгача)/Масъул муҳар.: А. Асқаров.—Т.: Фан, 1990. 56 б.

Касымов Ю. Из истории города Намангана.

63.3(2У)

Ушбу рисолада Наманган шаҳарининг вужудга келиши, иқтисодий ва маданий ҳаёти, халқ ҳаракатлари ва архитектура ёдгорликлари ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, рисолада Наманганда туғилиб ижод қилган машҳур кишиларнинг ҳаёти ва ижоди ёритилган.

Китоб тарихий, археологик ва этнографик маълумотлар асосида ёзилган.

Рисола кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

Тақризчилар:

тарих фанлари доктори Ҳ. ЗИЯЕВ, И. ЮСУПОВ

К $\frac{0503020900-61}{M355(04)-90}$ 230—90

© Узбекистон ССР
«Фан» нашриёти, 1990 й.

ISBN 5-648-00932-1

КИРИШ

Шаҳарлар қадимдан ишлаб чиқарувчи кучларни территориял ташкил этишнинг асосий формаси ҳисобланади. В. И. Ленин шаҳарларни территориянинг иқтисодий умуртқаси сифатидаги ролига баҳо бериб, бундай деб ёзган эди: «...шаҳарлар халқнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётининг марказларидир ва тараққиётни илгарилатувчи асосий кучдир»¹. Бундай баҳо Наманган областининг маъмурий маркази бўлмиш Наманган шаҳрига ҳам тааллуқлидир. Бинобарин, «ўзига хос мустақил организм» сифатида шаҳар тушунчасига ўтган асрнинг ўрталарида берилган марксистик таъриф ҳозирги кунларда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда. Зероки, индустриал ва маданий марказ бўлган шаҳарлар, шу жумладан Наманган шаҳри ҳам атрофдаги районларнинг шаклланиши ва ривожланишига муайян таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда шаҳарлар сони тез ўсмоқда. Чунончи, агар 1926 йилда унинг территориясида 12 тагина шаҳар бўлса, ҳозир уларнинг сони 115 тага етди. Ҳозирги классификацияга биноан СССР шаҳарлари қуйидаги гуруҳларга бўлинади: энг йирик, йирик, катта, ўрта ва кичик шаҳарлар. Бундай гуруҳлашга аҳоли сони асос қилиб олинган. Энг йирик шаҳарлар қаторига 250 мингдан 500 минггача, катта шаҳарлар қаторига 100 мингдан 250 минггача, ўрта шаҳарлар қаторига 50 мингдан 100 минггача ва кичик шаҳарлар қаторига эса 50 минггача аҳолиси бўлган шаҳарлар киритилади. Наманган шаҳри эса катта шаҳарлар категориясига кириб, унда ҳозир 250 мингга яқин аҳоли яшайди. Наманган Фарғона водийсининг шимолида денгиз сатҳидан 450 метр баландликда жойлашган.

Шаҳар территорияси ўттиз квадрат километрдан ортиқ бўлиб, жарлик ва ўзанлар билан кесилган. Шаҳар Намангансой, Янгиариқ, Шимолий Фарғона канал-

¹ Ленин В. И. Германиядаги партиялар ҳақида энг янги маълумот. Тўла асарлар тўплами, 23-том, 381—382-бетлар.

лари ҳамда Жийдакапа сув ўтказгичи орқали сув билан таъминланади. Унинг иқлими кескин континентал бўлиб, ёзи иссиқ ва қуруқ, қиши сернам ва юмшоқ.

Наманган шаҳри ўтмишда ўрта аср қобиғидаги қолоқ шаҳар бўлиб, совет ҳокимияти йилларида гуллаб-яшнади. Октябрь революциясидан олдинги майда ва айрим кустар корхоналар ўрнида қад кўтарган 40 га яқин замонавий корхоналарда тайёрланаётган маҳсулотлар эндиликда жаҳоннинг 50 дан ортиқ мамлакатига чиқарилмоқда. Инқилобгача шаҳарда 4 мингга яқин ишчи бўлган бўлса, бугунги кунда 50 мингдан ортиқ ишчи меҳнат қилмоқда.

Улуғ Октябрь революциясигача Наманганда 12 чақирим узунликдаги тош терилган кўча ва 3 чақиримча йўлчалар бўлиб, уларни 100 та керосин фонус ёритган бўлса, ҳозирги кунда замонавий магистрал кўчалар, проспектлар ҳамда бинолар бунёд этилди. Инқилобдан олдин шаҳарда 13 та извош йўловчи ташиган бўлса, бугун 500 дан ортиқ автобус, 70 та троллейбус, 400 га яқин енгил автомобиль ва маршрут таксилари аҳолига хизмат қилмоқда. 300 та масжид ва 20 та мадраса бўлган Наманганда ҳозир кўплаб олий, ўрта махсус ҳунар-техника билим юртлари ва 55 та умум таълим мактаблари ишлаб турибди. Шаҳарда кўплаб маданият саройлари ва уйлари, клублар ва истироҳат боғи, кинотеатрлар ва театр, кутубхона ва музейлар мавжуд.

Шаҳар ўзининг кўркам архитектура ёдгорликларига эга. Чунончи, бу ерда давлат муҳофазасига олинган 57 та тарихий обида бўлиб, шундан 21 таси архитектура ёдгорликларидир. Булар ичида XVIII асрнинг иккинчи ярмида қурилган Хўжа Амин ансамбли, 1806 йилда қурилган Мавлон бобо ёки Мавлонбува комплекси, 1910—1912 йилларда барпо этилган Мулло Қирғиз мадрасаси ва Ота Валихонтўра масжидлари, Қодирхўжа уйи ва бошқалар ўзининг гузал архитектураси ҳамда мафтункорлиги билан бир-биридан ажралиб туради.

Наманган ҳам бошқа кўҳна шаҳарлар каби ўзининг бой ўтмиш тарихига эга бўлиб, асрлар давомида бутун водийнинг, қолаверса, Ўрта Осиёнинг иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим роль ўйнаган. Бироқ шаҳарнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихига оид ёзма манбаларнинг ниҳоятда камлиги ҳамда археологик текшириш ва кузатиш ишларининг кенг кўламда ўтказилмаганлиги туфайли шаҳарнинг 1917 йилгача бўлган

тарихи ҳозиргача ёритилмаган. Ваҳолонки, тарих ўқитувчилари, студентлар, мактаб ўқувчилари ва, қолаверса, бутун жамоатчилик Наманган шаҳар тарихига оид аниқ бир маълумотга эга эмаслар. Шунинг ҳисобга олиб, ушбу рисола муаллифи ҳозирда мавжуд археологик кузатиш ва текшириш маълумотларига суянган ҳолда ҳамда сочма архив материаллари, турли қўлёзма ва китоблардан, справочник, газета, этнографик ва энциклопедик материаллардан фойдаланиб, Наманганнинг қисқача тарихини ёритишга ҳаракат қилди.

Ўлкашуносликни ўрганишга бўлган қизиқишнинг ортиши, тарих ўқитувчилари тайёрлашга бўлган янги талабнинг қўйилиши ўтмиш ёдгорликлари тарихини ўрганиш ва муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг амалга оширилиши ҳамда СССР Конституциясининг 68-моддасида: «Тарихий ёдгорликларни ва бошқа маданий бойликларни сақлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш — СССР гражданининг муҳим бурчи ва вазифасидир»² деб ёзиб қўйилганлигини ҳисобга олиб, ушбу рисола ёзишга журъат этдик. Бу билан муаллиф Наманган шаҳари тарихини тўла ёритди, деб даъво қилмайди.

² СССР Конституцияси, Тошкент, 1977, 62-бет.

XVIII—XIX асрнинг 70-йилларида НАМАНГАН

ШАҲАРНИНГ ПАЙДО БУЛИШИ ВА УНИНГ НОМИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон археологларининг республикамизнинг турли районларида ўтказган археологик қазилмалари ва тадқиқотлари туфайли ўлкамизда антик ва ўрта асрларда қишлоқ ҳамда шаҳарларнинг вужудга келиши, ривожланишининг айрим даврлари ўрганилди. Чунончи, Чуст шаҳридан 2,5 км шимолда жойлашган Буонамозор ёдгорлиги археологлардан М. Э. Воронец ва В. И. Спришевскийлар томонидан ўрганилиб фанга киритилди. Милoddan аввалги II мингинчи йилликнинг охири ва I мингинчи йилликнинг дастлабки даврларига мансуб «Чуст маданияти» номи билан фанга кирган бу ёдгорлик воҳамизда суғорма деҳқончилик пайдо бўлишининг илк манзилгоҳидир.

Қадимги чустликлар ҳаётида суғорма деҳқончилик ва чорвачилик асосий машғулот ҳисобланган. Чустликларда бу даврда тошдан жез (бронза) ишлаб чиқариш ва уй-хўжалик қуроллари ясаш кенг ривожланган. Буонамозордан 600 дан ортиқ меҳнат ва ишлаб чиқариш қуроллари топилди. Тошдан ясалган ўғирча (кели-соп), ўроқ, маъдан қазил қуроллари ясаш кенг ривожланган. Юзлаб ғалла сақлайдиган ўра-омборлар очилди, қорайиб кетган дон қолдиқлари, сомон қўшиб ишланган хом ғиштлар, пахса деворлар ва уйлар топилди. Топилган нарсалардан маълум бўлишича, чустликлар бугдой, арпа, сули экканлар. Суякдан ясалган моки, қадоқ тошлар ва урчуқларнинг топилиши аҳоли турмушида тўқувчилик ҳам катта роль ўйнаганлигидан далолат беради. Манзилгоҳдан чустликлар маҳорат билан қўлда ясаган гулдор сопол қозон ва товоқлар, турли шаклдаги пиёлалар, хурмачасмон идишлар, зеби зийнат буюмлари ва ҳ. к. лар топилди. Буларнинг ҳаммаси бронза даврида яшаган бобокалонларимизнинг тарихини ўрганишга хизмат қилиб, ўлкамиз тарихи зарварақларига янги саҳифа бўлиб ёзилмоқда.

Республикамиз археологлари 1960—1965 йилларда Поп райони территориясида ўтказган қазилмалари

вақтида қулдорлик тузуми ва илк ўрта асрларга мансуб қалъа — шаҳар харобаларини топдилар.

Ўрта Осиё шаҳарлари орасида эрампздан аввалги III аср — эрампзнинг V асригача ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий марказ бўлиб турган Қосон шаҳари алоҳида ўрин тутди. Қадимги Фарғонанинг пойтахти бўлган Қосон¹ Кушон империяси даврида анча юксалган. Академик В. В. Бартольднинг ёзишича, V асрларда ҳам «Фарғонанинг асосий шаҳри бўлган Қосоннинг айланаси бор-йўғи 4 ли эди»². Профессор А. Н. Бернштам томонидан текширилган қадимги Қосон шаҳри ҳақиқатан ҳам Кушон династиясининг (эр. аввалги I асрда) Шимолий Фарғонадаги пойтахти бўлган³. Хитой манбаларида Қэсай деб аталган Қосон турк хоқонлиги даврида (V—VII асрлар) турк князларининг қароргоҳи бўлган. Турк хоқонлиги ҳалокатга учраганда ҳам у бутун водийнинг маркази эди⁴. Шаҳарда Қосон тамғаси билан тангалар ҳам чиқарилган.

Кушони Фарғона ёхуд Шимолий Фарғонадаги бу шаҳар VIII асрда араб истилочилари томонидан бўйсундирилган эди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Фарғона шаҳарлари қаторида Қосон ҳақида ҳам тўхталиб, шундай деб ёзди: «Яна бир Қосондир, Ахсининг шимолида тушибдир. Кичикроқ қасабадир...»⁵.

Қосон шаҳри ҳозирги Қосонсой қирғоқларидаги суғориладиган деҳқончилик ва кўчманчи чорвачилик районларида қад кўтарган бўлиб, шаҳарда ҳунармандчилик ривожланган. У кўчманчи ва ўтроқ аҳоли ўртасида савдо маркази бўлиб хизмат қилган.

Қосон шаҳридан жануброқда Сирдарёнинг ўнг соҳилида қад кўтарган Ахсикат — Ахсикент шаҳари ҳам ҳарбий-сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан ўлканинг энг катта шаҳарларидан бири ҳисобланган.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлиги ва ҳозиргача олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаларига кўра Ахсикент эрампздан аввалги III асрларда вужудга келган. Шаҳарнинг бу қисми ижтимоий-сиёсий тузум

¹ Бартольд В. В. К истории орошения Туркестана. Сочинения. I, III, М., 1965, с. 211.

² 4 ли 1,5 километрга тенг.

³ Бернштам А. Н. Древняя Фергана. КСИИМК. Вып. XXI, 1947, с. 87.

⁴ Бартольд В. В. Уша асар, ўша том, 529-бет; Уша асар, I том, 219-бет.

⁵ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобирнома. Тошкент. 1960, 63-бет.

жиҳатдан қулдорлик даврига мансубдир. Эрамизнинг VI асрларида қад кўтарган илк ўрта асрга мансуб шаҳарнинг иккинчи қисми В. В. Бартольднинг ёзишича, 1218 йилда Чингизхон бошлиқ татар-муғул истилочилари томонидан вайрон қилинган⁶.

Иккинчи Ахсикент арки аъло, шаҳристон ва работ қисмидан иборат бўлиб, IX—XIII асрларда Фарғона водийсининг энг катта снёсий-иқтисодий ва маданий маркази бўлган. Бу ҳақда ўрта аср географлари ҳам ўз эсдаликлари ва асарларида маълумотлар ёзиб қолдирганлар.

Археологик изланишлар шуни кўрсатдики, ўша вақтларда шаҳарда савдо ва хунармандчилик ғоятда ривожланган. Сопол буюмлар, нақшинкор идишлар, шиша буюмлар ва зеби зийнат намуналарининг топилиши ўрта аср муаллифларининг бу шаҳар ҳақида ёзиб қолдирган маълумотларини тула тасдиқлади. Турли иморатлар, карвонсаройлар, суғориш иншоотлари, устахоналар, ҳаммомлар ва бошқа бинолар бу даврда архитектура нақадар ривожланганидан далолат беради.

Ахсикент ривожланган феодализм даврида маданий жиҳатдан йирик марказ ҳам эди. Бу ерда ўрта аср илм-фани ва адабиётининг ёрқин юлдузлари ҳам яшаб ижод этганлар. Чунончи, ўз даврининг «Малик уш-шуаро»си («Шоирлар подшоеси») Абул Фози Муҳаммад Тоҳир Асуриддин Ахсикатий (1108—1198) ва унинг акаси, йирик олим ва шоир Абу Рашид ал-Ахсикатий (1073—1134)лар Ахсикентда туғилиб Шарқ илм аҳлининг ҳурматиغا сазовор бўлган алломалардир⁷.


XIV—XVII асрларда Темурийлар ҳукмронлиги даврида Ахсикентдан ғарбда дарё ёқасида учинчи қалъа-шаҳар — Ахси қўрғони бунёд этилади. Темурийзодалардан Мирзо Умаршайх (1462—1494) ҳукмронлиги даврида Ахси қўрғони унинг ўғли Заҳириддин Муҳаммад Бобур ёзганидек: «Умаршайх мирзо мунини пойтахт қилиб эди. Сайхун (Сирдарё) дарёси қўрғоннинг остидан оқар...»⁸ эди. Машҳур шоир ва давлат арбоби Бобур ҳам 1483 йил 23 февралда ана шу пойтахт шаҳарда дунёга келган.

⁶ Бартольд В. В. История Туркестана. Соч.; т. II, ч. I, М.; Бартольд В. В. Фергана. Соч., т. III. М., 1965, с. 533; 1963, с. 140—141.

⁷ Қосимов П. Ахсикентлик алломалар. «Совет мактаби», 1981, II-сон.

⁸ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобирнома. Тошкент. 1960. 62-бет.

Шайбонийхон бошлиқ кучманчилар 1503 йилда Фарғона водийсига бостириб кирди. Ахси қалъасининг икки «берк қўрғонларидан бири Боп (Поп) қўрғони» ва яна бири «Архиён қўрғони (ҳозирги Тўрақўрғон шаҳридаги маданият саройи ўрнида) бўлиб»⁹, улар



Мавлавий Намангоний мақбараси (XVI аср).

Шайбоний аскарлари томонидан босиб олинди. Андижон қалъасининг забт этилиши билан темирларнинг Фарғонадаги ҳукмронлиги тугади.

Бир аср давом этган шайбонийлар ҳукмронлиги даврида Ахси Фарғона ҳокимининг сиёсий-иқтисодий пойтахти бўлиб қолади. Тарихчи Абулаббоснинг ёзишича, сўнгги шайбонизода Абдулмўмин 1598 йилда

⁹ Бу ҳақда «Бобирнома»нинг 130-ва 166-бетларига қаралсин.

Бухородан чиқиб Тошкент, Андижон ва Ахсини қамал қилади. Ахси ҳокими Ўзбекхон қамал вақтида ҳалок бўлади¹⁰. Вилоят маркази бўлиб турган Ахси (гап Те-мурийлар асос солган Ахси қалъа-шаҳри устида бора-ётир) шаҳри 1620 йилда рўй берган кучли зилзила оқибатида бутунлай вайрон бўлган. Ахси зилзиласи оқибатларини ўз кўзи билан кўрган косонлик географ ва табиатшунос олим Сайид Муҳаммад Тоҳир ибн Абдул Қосим ўзининг 1640 йилда ёзган «Ажойиб ат-табоқот» («Минтақалар ажойиботлари») асариди «ҳижрий йили билан 1030 йилда Ахси вилоятида шундай зилзила бўлдики, Сирдарёдан чайқалиб чиққан сув дарё четидаги далани босиб кетди... Биринчи куни 70 марта-гача бориб етди. Шуниси қизиқки, энг катта зилзила Ахси қўрғонининг ичида бўлиб, атроф қишлоқларда унча қаттиқ бўлмади»¹¹.

Бу вайронагарчиликдан сўнг шаҳар қайта тиклан-мади. Унинг қолдиқлари ҳозир ҳам Турақўрғон райо-нидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозн терри-ториясида харобалигича сақланиб турибди. Тирик қолган аҳоли эса яқин-атрофларга, шу жумладан, бугунги На-манган шаҳари томон кўчиб кетган. Ахси харобага ай-лангач, Шимолий Фарғонанинг сиёсий-иқтисодий ҳаёти-да Наманган шаҳри асосий роль ўйнай бошлайди.

IX—X аср араб географлари ўз асарларида Фарғо-надаги шаҳарларни санаб ўтадилар. Улар томонидан тузилган хариталарда эса X асрда Фарғона водийси-даги 39 та шаҳарнинг (улар картада қишлоқларни ҳам шаҳар қаторига қўшганлар) номи келтирилиб санаб ўтилади. Булар ичида Ахсикент, Кува, Боп (Поп), Ко-сон, Андукон (Андижон) ва бошқа шаҳарларнинг ном-лари бор¹².

Афсуски, ўша давр ёзма манбаларида, йилномалар, хотиралар ва бошқаларда Наманган номи учрамайди. Аммо Наманган шаҳри ҳам Фарғона водийсидаги қадимий шаҳарлардан бири эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Бинобарин, сўнгги йилларда шаҳар территорияси-да қурилиш ишларининг кенгайиши натижасида ша-ҳарда ер тагини қазиш, ариқ ва зовурлар кавлаш, ка-

¹⁰ Абулаббос ибн Муҳаммад Толиб. Матлаб ут-толибин. Ўз ФАШИ. 61-рақамли қўлёзма. 270—273-варақлар.

¹¹ Муҳаммад Тоҳир ибн Абул Қосим. Ажойиб ат-табоқот. ЎзССР ФАШИ, 411/1-рақамли қўлёзма, 58а варақ.

¹² Беленицкий А. М., Бентович И. Б., Большаков О. Г. Средневековый город Средней Азии. Л., 1973, с. 201—202.

нализациялар ўтказиш, ҳар хил кабеллар ётқизиш баҳонаси билан чуқур хандақлар қазиш вақтида турли хил сопол парчалари, пишиқ ғишт қолдиқлари ва бошқалар топилди. Шаҳар қурилиши вақтида экскаватор чўмичида тасодифан чиқиб қолган бу сопол идишларнинг синиқлари археологларнинг фикрича тахминан X асрга тааллуқлидир. Ун аср давомида ер остида ётган сопол идишлар ўзининг зангори сирларига ишланган гулларининг рангини ҳанузгача йўқотмаган. Шунингдек, кўҳна Ахсикент ва Афросиёб (Самарқанд) шаҳарларида топилган ғиштларга ўхшаш катта-катта пишиқ ғиштларнинг бу ердан ҳам топилиши диққатга сазовор. Ҳозир ўлкашунослик музейида сақланаётган бу нодир топилмаларни синчиклаб ўрганиш ва мутахассислар ёрдамида шаҳар территориясида кенг кўламда илмий план асосида археологик қазишмалар ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бироқ, нима учундир ҳанузгача бу иш турли сабаблар билан амалга ошмай келаётир.

Археолог И. Аҳроров бошлиқ ЎзССР Фанлар академияси Археология институти илмий ходимлари бундан ун олти йил муқаддам шаҳарнинг Намангансой атрофларида, Чорсу қисмида ҳамда Хўжа Амин мақбраси территориясида махсус қидирув ишлари ўтказиб, шурп ташлаш йўли билан бир неча жойларни қазиб кўрдилар. Дастлабки қазишмалар вақтида X—XI асрларга доир сопол буюм парчалари, пишиқ ғишт намуналари, тангалар ва бошқа топилмалар топилди.

Бу археологик ашёвий далиллар Наманган шаҳари сой соҳилида қишлоқ (поселение) сифатида X асрларда ҳам мавжуд бўлган, дейиш учун асос бўла олади. Бироқ ёзма манбаларда шу даврдаги Наманган ҳақида ҳеч қандай маълумотларни учратмаймиз. Профессор А. Н. Бернштамнинг 1947—1949 йилларда Косон ва Ахсикентда ўтказилган археологик қазишмалари вақтида чиқарган илмий хулосаларига кўра, XI—XII асрларда Фарғона шаҳарларида, шу жумладан, Шимолий Фарғона шаҳар ва қишлоқлари территориясининг кенгайиши ва аҳолисининг кўпайиб борганлиги ҳақидаги фикрлари шубҳасиз, Наманганга ҳам тегишлидир¹³.

Бугун Наманган шаҳри қачон пайдо бўлган, деган саволга аниқ жавоб айтиш мушкул. Бинобарин, археологларимизнинг фикрича, Фарғонанинг айрим шаҳарлари, шу жумладан Наманганнинг тараққиёти ҳақида ҳам бирон-бир аниқ фикр айтиш қийин¹⁴.

¹³ Бернштам А. И. Древняя Фергана. Ташкент, 1951, с. 39.

¹⁴ Беленницкий А. М. и др. Кўрсатилган асар, 205-бет.

«Наманган» сўзининг этимологияси ва шаҳарнинг номи тўғрисида ҳозиргача ёзма маълумотлар ва аниқ илмий фикрлар йўқ. Наманган ҳақида баъзи китобларда умумий маълумотлар учраса-да, аммо улар ҳам турлича талқин этилади. Чунончи, айрим тадқиқотчилар Наманган деган сўз биринчи марта Бобурнинг «Бобирнома»сида тилга олинади, деб тахмин қиладилар¹⁵. Ваҳоланки, X асрда яшаган тарихнавис олим Аҳмад бини Саъдиддин Ҳазандий ўзининг «Тазкирайи Буғрохоний» деган китобида ўзига «Намангоний» тахаллусини олганлигини ҳисобга олсак, бугунги Наманган X асрда ҳам аҳоли яшайдиган жой бўлганлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади¹⁶.

«Бобирнома»да ёзилишича, Бобур Косондан келаётиб Наманганга тушганлиги ҳақида тўхталиб «Архиён қўрғонини (Архиён қўрғони ҳозирги Тўрақўрғон районидаги Маданият саройи ўрнида бўлиб, Арғин-Сайрам қишлоқ Советига қарашли) ёвуқ қабамоқнинг салоҳин топмай, бир шаърисиди Ғазнаи Намангонга тушулди»¹⁷. Афсуски, «Бобирнома»нинг бошқа бирор жойида Наманган сўзи учрамайди. Бобурнинг «Ғазнаи Намангон» деб аташи нимани билдиради ва у нимага ишора қилмоқчи, бу бизга номаълум. Зеро, Бобур бу сўзни нақл тарзида келтирган ва уни қатъий айтмаганлиги маълум.

Турк олими Ш. М. Сомий ўзининг «Қомусул аълум» асарида Наманган ҳақида шундай деб ёзади: «Намангон» Туркистоннинг Фарғона областида (яъни босиб олинган Қўқон хонлигида) ва Қўқоннинг 80 километр шимолий шарқида, Сирдарё воҳасининг юқори томонида жойлашган, қозилик маркази мустаҳкам бир шаҳардир. 16000 аҳолиси, 1000 дўконни ўз ичига олган ишлаб турган савдо маркази, пахта, ипак фабрикалари, йилига уч юз мингга яқин қўй сотиладиган, ишлаб турган ҳайвонот бозори ва атрофларида турли мевали дарахтларни ўз ичига олган боғчалари билан нефть, кўмир конлари бордир. Бутун у ер қабилаларининг савдо-сотик маркази бўлиб, саноат ва деҳқончилик маҳсулотларини дарёдан соллар билан олиб ўтиб, олиб келадилар... Намангон эски бир шаҳар бўлиб, Фирдавсий Зол ўғли Рустамнинг Намангон шоҳлигига сафар қил-

¹⁵ Ҳасанов Х. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. Тошкент, 1965, 48-бет; Наманган области. Справочник. Тошкент, 1981, 17-бет.

¹⁶ Аҳмад бин Саъдиддин ал-Ҳазандий ан-Намангани. Баграханова жизнеописания, УзССР ФАШИ қўлёзмалар, инв. 5917, т. VIII, с. 371.

¹⁷ «Бобирнома», 130-бет.

ганлигини ва ундан Сухроб туғилганлигини баён этгандир»¹⁸.

XIX асрда ёзилган турк олимнинг бу асари Наманган ҳақида қисқача маълумот беришига қарамасдан, анча қимматли. Лекин Наманганни Фирдавсий «Шоҳнома»сида баён этилган деган фикри мутлақо нотўғри. Чунки Фирдавсий «Шоҳнома»да Наманган эмас, балки Самангон деб айтган. Самангон эса ҳозирги Афғонистоннинг шимолида, Мозори Шариф вилоятида жойлашган шаҳар.

Муҳаммад Қозимнинг «Номай оламорои Нодирӣ» асарининг нашрига кўрсаткичлар тузган Н. В. Елисеева эса «Налинкон» деган сўзга «Намангон» деб изоҳ берган. Ваҳолонки, у бу сўзни нимага асосланиб изоҳлагани маълум эмас. Асарда «Налинкон, Хўжанд ва Тошканддаги ўзбек тоифасининг элатлари ҳаммаси кўплаб тортиқлар ва туҳфалар билан...» деган сўзлар бор¹⁹.

Бошқа манбаларда эса Наманган номи «Намаккон», яъни форсча туз кони деган сўздан олинган деб изоҳланади²⁰. Бизнингча бу фикр ҳам тўғри эмас. Чунки, юқорида айтиб ўтганимиздек, сўнгги йилда Наманганнинг эски шаҳар қисмида — Чорсуда ўтказилган археологик қазишмалар вақтида ҳеч қандай туз кони қолдиқлари, ёхуд унинг аломатлари ҳам топилмади.

СССР ёзувчилар союзининг аъзоси Маҳмуд Диёрӣ ўзининг «Яна Намангон номи ҳақида» деган мақоласида Ш. М. Сомийнинг юқоридаги фикрини такрорлаб, Наманганни Фирдавсий «Шоҳнома»сидаги Самангон деб таърифлайди. Айни пайтда у Наманган сўзининг негизи «Намак» эмас, «наманг»дир дейди. «Наманг» эса луғатда маржонга ўхшаш ўртаси тешилган мунчоқ ёки оли-боли (олвали) деб шарҳланади, деб ёзади. Афсуски, М. Диёрӣ, бу иборани қайси китобдан ёки қайси луғатдан олинганлигини айтмайди²¹.

XVII асрда яшаган ҳиндистонлик олим Муҳаммад Хусайн ибн Халаф Табризий ўзининг форсий-дарий тилида ёзган «Бурхоне котеъ» номли китобининг II жилд 451-саҳифасида бу сўзни шундай деб изоҳлайди: «Нумунк биринчи ва иккинчи ҳарфнинг зиммаси (яъни,

¹⁸ Сомий Ш. М. Қомусул аълум. Истанбул, 1898, 6-жилд, 4600-саҳифа.

¹⁹ Қозим Муҳаммад. Номай оламорои Нодирӣ (1160—1747), Москва, 1966, 3-китоб, 188 а саҳифаси.

²⁰ Ўзбек Совет Энциклопедияси. 7-том, 527-бет.

²¹ Диёрӣ М. Яна Намангон номи ҳақида. Наманган ҳақиқати. 1974 йил 6 июль.

у — ҳаракати) Нун ва коф ҳарфларининг сукуни (яъни, ҳаракатсизлиги) билан Маржонга ўхшаш қизил нарсадир». «Нумунк — бизамми аввал ва соний ва сукуни нун ва коф чизийст сурх ва шабийҳо бемаржон». М. Диёрийнинг бу сўзни нотўғри ўқигани эҳтимолдан холи эмас. Чунки араб ёзувларида қисқа унли ҳарфлар ёзилмайди. Шунинг учун бу ҳарфлар бирикмасини Наманк, Нуманк, Наминг, Нумунк ва ҳоказолар деб ўқиш мумкин, Эски луғатларда бу сўзлар ичида фақат «Нумунк» сўзининг маъноси ёритилиб, қолганлариники эса берилмайди.

Наманган уезди бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишлаган рус ўлкашуноси В. Наливкин ўзининг «Қўқон хонлигининг қисқача тарихи» (Казань, 1886) асарида Фарғона водийси шаҳарлари тарихини ёзиш ниҳоятда мушкуллигини, бу ҳақда ёзма манбаларда хабар йўқлиги ва ишониб бўлмайдиган афсона ҳамда ривоятлар тарқалиб кетганлигидан нолиб ёзган эди²².

Наманган номига изоҳ берган марҳум шарқшунос олим, тарих фанлари кандидати А. Жувонмардиев «Ер ва эл» журналининг 1964 йил сонида «Номийган — азиз ва номдор кишилар шаҳри» деб ёзган эди. А. Вамбери эса «Наманг — маржон», «Намангон — маржон кони» бўлса керак, деб тахмин қилади.

Профессор Х. Ҳасанов «Биз — гон форматини сув, дарё тахмин қилганимиз туфайли бу номга ҳам Намакгон — шўр сув, минерал сув, мойли сув (эҳтимол нефть) деб изоҳлаб кўрмоқчимиз. «Наман» асоси бирор этнонимга (найман) боғлиқ бўлиб чиқиши ҳам эҳтимол» деб ёзади²³. Айрим тарихчилар эса Наманган сўзини этимологик жиҳатдан Новмакон, яъни «янги жой» демакдир, деб изоҳлайдилар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, «Намангон» луғавий жиҳатдан қора марварид, маржон ёхуд кўзмунчоқ тайёрловчиларга нисбатан айтилиб, рамзий жиҳатдан «қора кўзлилар юрти» маъносини аңглатади. Бинобарин, ўтмишда аҳолининг асосий қисми ҳунармандлар бўлиб, зебу зийнат, мис ва сопол буюмлари тайёрлаш, кандакорлик, ип ва шойи газламалар тўқиш каби касблар билан шуғулланганлар.

«Намангон» сўзи кейинчалик талаффузда ва ёзувда Наманган, халқ тилида эса «Намангон» бўлиб кет-

²² Наливкин В. Краткая история Кокандского ханства. Казань. 1886, с. 5.

²³ Ҳасанов Х. Урта Осиё жой номлари тарихидан. 48—49-бетлар.

ган. Бугун ҳам халқ тилида талаффузда Намангани «Намангон» деб айтиш одат тусига кириб қолган. Шунуқга назардан, бизнингча адабий тилда ёзувда Наманган эмас, балки Намангон деб ёзилиши ва айтилиши мақсадга мувофиқдир.

XVII асрда яшаб ижод этган машҳур шоир Бобораҳим Машраб ҳам Намангани «Намангон» деб ёзгани бежиз эмас, албатта.

Чунончи:

На малакман, на фаришта, мен ҳам одам наслидан,
Мен таваллуди ўшал фарзанди Намангониман.

Абдулкарим Фазлий Намангоний томонидан 1821 йилда тузилган «Мажмуаи шоирон» номли тазкирада ҳам (427-саҳифа) бир неча марта «Намангон» ёзилган.

Давримизнинг ҳассос истеъдодли шоири Ҳабиб Саъдулла эса ўз шеърларида:

Табиа т гул Намангонни макони офтоб этмиш,
Мақони офтоб ичра, сени бир моҳтоб этмиш.
Узун сочингни чайдингму Намангон сойда дилдор,
Унинг атри Намангонсой сувин мисли шароб этмиш,—

дейди ўз шаҳри билан фахрланиб.

Маълумки, ўтмишда аҳоли яшайдиган жойлар, шаҳар ва қишлоқлар асосан сувга яқин дарё ва сой бўйларида қад кўтарган. Шунинг учун ҳам мазкур дарё ва сойлар шу шаҳар ёки қишлоқ номи билан аталган. Масалан, Косон — Косонсой, Шаҳрихон — Шаҳрихонсой, Марғилон — Марғилонсой, Исфара — Исфарасой, Хўжанд — Хўжабақирғансой, Намангон — Намангонсой каби. Ривоятларга кўра, Бухоро хонлигининг асосчиси Абдуллахон 1582 йилда Эрон билан бўлган урушда ғолиб чиқиб, кўплаб асирларни қўлга туширади. У ана шу асирларнинг бир қисмини Фарғонага юборган эмиш. Хоннинг буйруғи билан қашқарларнинг Ога уруғидан сотиб олинган қизларни ҳам шу асирларга мажбуран хотин қилиб беришган. Шундан сўнг асирлар водийнинг турли районларига муқим яшаш учун тарқатилган. Чунончи, ҳозирги Наманган ерларига 100 та она юборилиб жойлаштирилган. Ана шу ерда Намангон — Намангон номи билан аталган қишлоқ ташкил топган эмиш²⁴. Ривоятларда XVI асрда бу ерда Хазрати Лангарбобо мазори ташкил этилиб, Азизхўжа мақбараси қурилган, деб қайд этилади.

²⁴ Обзор Ферганской области за 1899 гг. Новый Маргелан. 1901. с. 38.

Короскон қишлоғидаги Султон Сайид мазорининг шайхлари номига Бухоро амирлари ва Қўқон ҳукмдорлари томонидан XVI—XIX асрларда берилган вақф ҳужжатларида — ёрлиқларда Наманган номи мавзе (қишлоқ) сифатида 1643 йилдан бошлаб тилга олинди²⁵.



Хўжа амин мақбараси (XVIII аср).

Академик В. В. Бартольднинг кўрсатишича, Қўқон хонлиги даврида Шимолий Фарғонада янги шаҳар — Наманган ташкил топган. XVII асрда Ахсикент атрофларидаги йирик қишлоқлардан бири бўлган Наманган XVII асрга келиб Фарғона водийси шаҳарлари қаторидан жой олган.

А. З. Валидовнинг ёзишича эса расмий ҳужжатларда Наманган 1758—1759 йилларда Андижон, Қўқон ва Марғилондан сўнг тўртинчи беклик деб кўрсатилган.

Қўқон хонлиги тарихини ёзган В. П. Наливкин ҳам ўзининг «Қўқон хонлигининг қисқача тарихи» номли

²⁵ Жувонмардиев А. XVI—XIX асрларда Фарғона ер-сув муносабатларига доир. Тошкент, 1965, 127-, 137-ва 149-бетлар.

асарида XVI—XIX аср вақф ҳужжатларида тилга олинган Наманган милодий 1643 йилларда қишлоқ бўлган деб таъкидлаб ўтади.

Маҳмуд бинни Валининг ёзишича ҳам 1172 ҳижрий — 1756 милодий йилларга доир ҳужжатларда ҳам Наманган вилоят сифатида тилга олинган²⁶.

Шундай қилиб, юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлардаги маълумотлар гарчи тарих фани учун қимматли манбалар ҳисобланса-да, аммо уларнинг бирортаси ҳам Наманган шаҳарининг ёшини белгилаш учун конкрет илмий далил бўла олмайди. Бунинг учун эса яқин келажакда археолог, тарихчи, шарқшунос, этнограф ва тилшунос мутахассислар комплекс тадқиқот ишларини олиб боришлари керак, шунда шаҳарнинг вужудга келиши тарихини конкрет аниқлаш мумкин бўлади, унинг тараққиёти даврини ҳам тўла ёритишга имконият туғилади.

ҚУҚОН ХОНЛИГИ ДАВРИДА НАМАНГАН

Тарихий маълумотларга кўра, XVIII аср бошларида Фарғона водийсида марказлашган давлат — Қўқон хонлиги ташкил топди. Унинг асосчиси Минг уруғидан чиққан Шоҳруҳбий бўлиб, 1710—1721 йилларда ҳукмронлик қилади²⁷. Унинг ворислари Абдулкаримбой ва Норбўтабий (1770—1800)лар даврида хонлик территорияси янада кенгайди ҳамда феодал тарқоқлигига қарши қаттиқ кураш олиб борилди. Натижада Норбўтабий ҳукмронлиги даврида Наманган ва Чуст бекларининг сепаратизми тугатилди. Олимхон даврида (1800—1809) эса Тошкент ва Чимкент ерлари хонликка бўйсундирилди.

Қўқон хонлиги маъмурий жиҳатдан ун саккизта бекликларга бўлиниб идора этиларди. Булар ичида Наманган, Чортоқ, Косон, Бободархон (ҳозирги Тожикистон АССР Ашт райони) бекликлари ҳам бор эди. Қўқон хонлигидаги асосий ер майдонлари хон ва унинг авлодлари тасарруфида бўлиб, чек ерлар деб аталарди. Хон авлодларидан Шералихон (1842—1845 йилларда Қўқон хони), унинг ўғли Худоёрхон (1845—1875) ҳамда унинг кичик ўғли Ўрмонбеклар ўз даврида Наманганда ҳокимлик қилганлар.

²⁶ Маҳмуд бинни Вали. Баҳрул асрор. УзССР ФАШИ, 1375, рақамли қўлёзма, 1086-варақ.

²⁷ Мулла Нияз Муҳаммад Хўқандий. Тарихи Шоҳруҳи. Қозон, 1885, 17—19-бетлар.

Қўқон хонлиги даврида бошқа шаҳарлар қаторида Наманган ҳам савдо-сотиқ, ҳунармандчилик ва маданий ҳаётда муҳим роль ўйнаган. 1813 йилда Қўқонга ва сўнгра Наманганга келган рус элчиси Ф. Назаровнинг ёзишича, бу вақтларда шаҳарда аҳоли кўп бўлиб, пахтани қайта ишлаш, ип йнгириш, тўқимачилик устаноналари ва ҳунармандчилик ривожланган. Савдода нафақат Қўқон хонлиги шаҳарлари билан, ҳатто қирғизлар билан ҳам савдо қилганлар²⁸.

XIX асрнинг 40-йилларида Бухоро амирлигининг Қўқон хонлигига қарши уруш ҳаракатлари кучайгач, Мадалихон — Муҳаммад Алихоннинг буйруғи билан Наманганда унча катта бўлмаган ҳарбий қалъа қурилган.

Фарғона водийсининг шимолий қисмида жойлашган Наманган XVIII асрнинг бошларида хонликнинг ҳунармандчилик саноати тараққий этган шаҳарларидан бирига айланди. Чунончи, у ерда авлоддан-авлодга ўтиб келаётган темирчилик ҳунари ривожланган бўлиб, гарчи қолоқ, жуда содда ишлаб чиқариш техникасига эга бўлса-да, халқ хўжалигида муҳим урин тутарди. Шаҳар кўчаларининг икки томонида алоҳида дўконлар жойлашиб, улар темирчилар растаси деб аталарди. Бир гуруҳ темирчилар — эшик занжирлари ва ҳалқалари, от ва эшак тақалари, ковуш ва этик наҳаллари, ҳар хил мнх, арава ғилдирағи учун темир ҳалқалар, узанги ва темир рандалар тайёрласалар, иккинчи гуруҳ темирчилар — кетмон, ўроқ, болта, теша ясар, учинчи гуруҳдаги темирчилар эса пичоқ, қайчи, арра, оташкурак, қора чироқ, бигиз сингариларни тайёрлар эдилар.

Темирчи усталар ўз ишхоналарида оила аъзолари билан бирга ишлашар, шунингдек, шогирд ҳам сақлардилар. Улар пичоқ, ханжар ва қиличларга ҳар хил қимматли суяклардан турли ўйма гулли дасталарни ҳам тайёрлашар эди.

Чуст ва Наманганда ясалган ўзбек пўлат пичоқлари узоқ асрлар давомида Шарқ ва Ғарбда машҳур бўлган.

Бошқа шаҳарларда бўлгани каби Наманганда ҳам алоҳида мискарлик расталари бўлган. Мискарлар турли идишларга гул кесиш санъати билан шуғулланганлар. Наманган мискарлари томонидан турли даврларда ясалган қумфон, лаган, офтоби, чилим, чойдишлар ҳа-

²⁸ Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии. М., 1968, с. 50.

нузгача мамлакатимизнинг турли музейларини безаб турибди. Чунончи, Наманган ўлкашунослик музейида, ҳатто Нью-Йорк музейида сақланаётган бринчдан ишланган сиёҳдонларнинг нақши афсонавий воқеаларни тасвирлаши билан ажралиб туради. Бундай мисоллар айрим тарихчиларнинг Фарғона аҳолиси металл ишлашни хитойликлардан ўрганганлар²⁹, деган тахминларига тузатиш киритишга имкон беради. Аксинча, кейинги тадқиқотларнинг кўрсатишича, хитойликлар бринчдан буюм ясашни (рихтагарлик) бизнинг халқимиздан ўрганганликлари эҳтимолдан холи эмас³⁰.



Ота Валихонтура мақбараси (XX аср).

Ҳунарлар орасида энг қадимийси заргарликдир. Наманган заргарлари олтин, кумуш ва қимматбаҳо рангли тошлардан ҳамда шишалардан хотин-қизлар учун биллакузук, исирға, ҳалқа, тиллақош, тумор, узуклар тайёрлаш билан танилган эдилар. Шунингдек, отларни бе-

²⁹ Бартольд В. В. История Туркестана. Соб. соч., т. 2, ч. I. М., 1963, с. 112.

³⁰ Пугаченкова Г. А., Ремпель Л. И. История искусств Узбекистана. М., 1965, с. 25.

затиш учун эгар ва узангиларга ранг-баранг нақшлар ҳам қилишган.

Самарқанд ва Риштон, Қарши ва Тошкент кулоллари билан рақобатлашган Наманган ҳунармандлари ахсикентлик бобокалон кулолларнинг қадимий анъаналарини давом эттириб, уй-рўзгор буюмлари — коса, кўза, шокоса, тандир, шамдон ва ҳатто суғориш иншоотлари учун сопол қувурлар ва сув чиғирларига ўқчалар ишлаб чиқарганлар.

Шаҳар ҳунармандчилигида дурадгорлик етакчи роль ўйнади. Дурадгорлар қошиқ, чўмич, қозон, қопқоқ, хамир тахтаси, ўқлоғи, сандал, бешик, курак, паншаха, чарх, чиғирӣқ, омон, бўйинтуруқ, мола, эшак, дераза, тўқимачилик дастгоҳлари ва бошқалар тайёрлаганлар. Ёзма маълумотларга кўра, Наманганда йигирмадан ортиқ аравасозлик устахоналари бўлган.

Ўрта Осиё халқлари ҳаётида тўқувчилик катта аҳамиятга эга эди. Наманган тўқимачилари томонидан пахта, ипак ва канопдан тайёрланган нарсалар — бўз, қалами, олача, чит, беқасам, ипак буюмлари, шолча ва шу қабилар бошқа мамлакатлардаги бозорларда ҳам сотилган. Наманганлик муқовасозлар тайёрлаган чарм ва қоғоздан қилинган муқовалар XIX асрнинг бошларида Самарқанд ва Хивада тайёрланган муқовалар билан рақобат қилган. Наманган кашталари ҳам ўзининг гўзаллиги билан ажралиб турган.

Шундай қилиб, бошқа ўзбек хонликларига қарашли йирик шаҳарлар каби Наманганда ҳам ҳунармандчилик ўз даврига яраша раванқ топган.

Хонлик даврининг биринчи юз йиллигида йирик шаҳарлар қаторидан ўрин олган Наманганда 30 га яқин масжид, пишиқ ғиштдан қурилган 2 та мадраса, 200 дан ортиқ катта-кичик дўконлар, ҳаммом, карвонсаройлар, расталар бўлган. XIX асрнинг 90-йилларида эса 20 га яқин катта-кичик мадраса бўлиб, уларда 186 та мударрис ва талабалар бўлган. Хонликлар даврида мактаб ва ўқитиш харажатлари ота-оналар зиммасига тушган. Мадрасалардаги таълим ишларининг ҳаммаси диний асосда ташкил топиб, бундан четга чиқиш асло мумкин эмас эди. Мадрасалар асосан хонлик даврида давлат идоралари ва диний муассасалар учун, мактаб ва мадрасалар учун муаллим ва мударрислар, яъни ўз давридаги ижтимоий-сиёсий тузум учун ўқимишли ходимлар етиштирувчи ўқув юртлари эди.

Мактаб ва мадрасаларда етишиб чиққан зиёлиларнинг маълум бир қисми, гарчи диний тушунчалар асо-

сида бўлса-да тарих, адабиёт, фалсафа, география, табиёт фанлари ва бошқа соҳаларда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориб, муҳим илмий асарлар яратдилар.

Аҳолининг асосий қисми ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ билан шуғулланган, қолган қисми эса қишлоқ хўжалиги билан банд бўлган. Наманганда бир ярим—уч саржиндан ошмаган 100 дан ортиқ эгри-бугри кўча ва тор кўчалар бор эди. XVIII аср ва XIX асрнинг биринчи ярмида хонлар ва хусусий кишилар томонидан халқ кучи билан канал ва ариқлар қазилган. Чунончи, 1803 йилда қазилган Норин дарёсидан сув олувчи Янгиариқ канали шулар жумласидандир. Наманган шаҳрида ва сувга танқис унинг атроф ерларида яшовчи халқларнинг талаби ҳамда маҳаллий феодалларнинг манфаатини кўзлаб оғир меҳнат мажбурияти — ҳашар йули билан бунёд этилган Янгиариқ канали Наманган шаҳридан ташқари атроф қишлоқларни ҳам сув билан таъминлаган. 1819 йилда канал янада кенгайтирилади ва узайтирилади.

Шундай қилиб, Янгиариқ каналининг қазилиши Наманганнинг социал-иқтисодий ва маданий жиҳатдан янада ўсиши ва кенгайишига имкон берди.

Кўқон хонлиги шаҳарларининг иқтисодий тараққиётида ва ҳунармандчиликнинг ўсишида хорижий мамлакатлар — Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон, Қашғар билан, хусусан Россия билан бўлган савдо-сотиқ катта аҳамиятга эга бўлди. Бухоролик, тошкентлик, кўқонлик ва марғилонлик савдогарлар билан бирга наманганлик савдогарлар ҳам XVIII аср охири — XIX аср бошларида Россия императорининг розилиги билан Астрахань, Оренбург, Семипалатинск ва бошқа шаҳарларга бориб, ўз маҳсулотларини сотиш имкониятига эга бўлдилар. Бу ишни XVIII асрнинг 70-йилларида Кўқон хонлигига биринчи марта келган рус унтер-офицери Ф. Ефремов бошчилигидаги делегация бошлаб берди. 1868 йилда Кўқон хонлиги билан Россия ўртасида тузилган савдо шартномаси эса хонлик шаҳарлари билан рус шаҳарлари ўртасидаги савдо алоқаларининг янада кенгайишига ёрдам берди.

Фарғона водийси савдогарлари Россияга пахта, калава ип, бўз, турли терилар, қуруқ мевалар олиб бориб сотишган. Наманганлик савдогарлар ҳам ўз навбатида рус савдогарларига хом пахта, жун, калава ип, мева қоқиси, қимматбаҳо матолар сотганлар. Бу ерга эса Москва рўмоллари, мовут, чарм, турли бўёқлар, томга ёпадиган тунука, самовар, немис бахмали, инглиз ва

француз моллари ҳам келтирилган. Қўқон орқали Наманганга рус ва чет эл товарларининг келиши билан савдо алоқалари янада кенгайди. Бу эса, оз бўлса-да, маҳаллий аҳолининг дунёқараши маълум даражада кенгайишига олиб келди.

Қирғиз ва қипчоқлар ҳамда атроф районларда яшовчи аҳоли билан Наманган бозори гавжум бўлган. Шу боисдан бўлса керак, рус сайёҳи Ф. Назаров ўз эсдаликларида Наманган бозорини Қўқон бозоридан каттароқ эди, деб ёзган. Ҳар бир ўзбек хонлигининг ўз пули зарб қилинарди. Олтин пул ўз қиймати билан 3 сўм 80 тийинга юрарди, кумуш пул танга деб номланиб, 20 тийинга юрарди. Чақа пул ярим тийин, бунинг 10 таси бир мири ёки 5 тийин, 20 таси икки мири ёки 10 тийин, деб юритиларди. Наманган бозорларида ана шу пуллар савдо муомаласида бўлган.

Архив материалларининг кўрсатишича, XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон хонлигида феодал мажбуриятлар ва рента солиқларининг 90 га тури бўлган. Бу ҳақда тадқиқотчи А. Жувонмардиев алоҳида тўхталиб ўтган³¹. Қўқон хонлигида хирож, таноб, закот солиқлари энг оғирлари ҳисобланарди. Хонликда донли экинлардан кўп миқдорда солиқ олинарди. Масалан, Наманган беклигидан (Чуст ва Тўрақўрғон билан биргаликда) 800 минг чорак (чорак тахминан 5 пуд ёки 80 кг га тенг) хирож олинган. Баъзи ерлардан хирож солиғи пул билан ҳам олинарди. Хонлик шаҳарларида, шу жумладан Намангандаги бозорда ҳарбий ёки савдогарлардан тайинланган закотчилар бўлиб, сотилаётган нарсаларнинг қийматига қараб 2,5 процент ҳисобидан закот йиғиб олиш билан шуғулланганлар. Бошқа йирик шаҳарлардаги каби Наманганда ҳам турли миллат, чунончи: ўзбек, тожик, яҳудий, уйғур, қирғиз, қипчоқ, дунгон ва бошқалар яшаган. Туркистонлик, шу жумладан, наманганлик савдогарлар ҳам Россия ерларига борганларида татар қизларига уйланишлари натижасида оилавий муносабатлар таркиб топган. Бундан ташқари, татарлар Ўрта Осиё мадрасаларига келиб ўқирдилар. Савдо-сотик ва ҳунар ишлари билан шуғулланган татарларнинг «нўғай маҳалла» деб аталган маҳаллалари ҳам бўлган.

1756—1758 йилларда Хитой феодал босқинчилари Қашғарияни босиб олиб, талончилик сиёсатини бош-

³¹ Жувонмардиев А. XVI—XIX асрларда Фарғона ер-сув муносабатларига доир, 33—35-бетлар.

лаганларида уларнинг жабридан қочган қашқарликлар Фарғона водийсига, Андижон, Наманган ва унинг атрофларига кўчиб кела бошладилар. Бу, ўз навбатида, Наманган аҳолисининг кўпайишига маълум даражада таъсир этган.

Қўқон хонлиги даврида Наманган беклигида яшовчи деҳқонлар, ҳунармандларнинг аҳволи ҳам ниҳоятда аянчли эди. Айниқса, Худоёрхон (1844—1858, 1862—1875) ҳукмронлиги даврида халқ оммасидан йиғиладиган турли солиқ ва улпонларнинг сони янада кўпайиб кетди. Натижада бу жабр-ситамларга чидай олмаган халқ хоннинг ички ва ташқи сиёсатига қарши норозилик ҳаракатлари билан чиқди. Айни пайтда хон саройида ҳам оппозицион гуруҳлар пайдо бўлди.

1873 йилда хонлик территориясида катта халқ қўзғолони бошланиб, 1876 йилнинг февраль ойигача давом этди. Қўзғолон хонликнинг шимолий қисмидаги Наманган вилоятидан, Қосон ва Нанай қишлоқларидан бошланган эди³². Чорва молларидан олинадиган солиқларнинг оширилишига қарши чорвадор қирғиз ва қипчоқларнинг қаттиқ норозилиги остида бошланган бу қўзғолон «Пўлатхон қўзғолони» (унинг асл номи Мулло Исҳоқ бўлиб, 1844 йилда Марғилон районининг Ухна қишлоғида қирғиз оиласида туғилган, отаси мударрис бўлган, Исҳоқ эса 1872 йилда Наманган вилоятида ўзини хон, деб эълон қилади) номи билан тарихга кирган.

1874 йил 14 мартда Россия ҳарбий министри Д. А. Милютин Туркистон генерал-губернаторига юборган махсус мактубида: «Исёнчилар Марғилон, Намангон шаҳрига ҳужум қилди, Қосон эса унинг қўлида», — деб ёзган эди.

Худоёрхоннинг Абдурахмон Офтобачи бошчилигида юборган алоҳида жазо отряди Наманган шаҳри ва унинг яқинида қўзғолончилар билан тўқнашади. Қўзғолончилар шаҳарни ташлаб Қосонга чекинадилар. Пўлатхон эса ўз одамлари билан Чатқол тоғларига чекиниб, йигитлар тўплаб курашни яна давом эттиради.

Худоёрхон халқ қўзғолонидан қўрқиб, Чор Россиясидан қуролли ёрдам сўради. Туркистон генерал-губернаторлиги ёрдами билан Худоёрхон 1875 йил 22 июлда Туркистон генерал-губернатори К. Ф. Кауфман билан махфий шартнома тузиб, ўзини Россия императорининг итоткор хизматкори, деб маълум қилди. Мазкур

³² Ўзбекистон ССР тарихи. Тошкент, 1971, II том, 31-бет.

шартномага биноан Сирдарёнинг ўнг соҳилидаги ерлар — Наманган ва Чуст шаҳарлари билан бирга Россия ихтиёрига ўтди. Туркистон генерал-губернаторлиги эса бу ерда Наманган бўлимини ташкил этди. Генерал-майор М. Д. Скобелев Наманган бўлими бошлиғи этиб тайинланди³³.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, рус мустамлакачи қўшинлари 1864 йилда Қўқон хонлигига қарши дастлабки ҳаракатларини бошлаб, Тошкентга юриш қилди. 1865 йилда Тошкент олингач, маркази Тошкент бўлган Сирдарё области ҳамда маркази Варний — Олмаота бўлган Еттисув областлари ташкил этилди. Шу йили хонлик зулмидан безор бўлган Наманган беклиги Еттисув ҳарбий губернатори Колпаковскийга мактуб йўллаб, унда Наманган ўзбекларини рус фуқаролигига қабул қилишни сўрайдилар. Аммо Колпаковский бу илтимосни рад этади³⁴.

1875 йил декабрида Пўлатхон 80 минг кишилик қўшини билан қароргоҳи Марғилондан чиқиб, Наманганга юриш бошлади. 1876 йил январь — февралда Андижон—Наманган ўртасида қаттиқ жанг бўлиб, Учқўрғонда Пўлатхон асир олинди. Шу йил мартада Пўлатхон Марғилон бозорида ҳарбий суд ҳукми билан осиб ўлдирилди.

Шундай қилиб, 1876 йил 19 февралда Қўқон хонлиги батамом тугатилиб, маркази Янги Марғилон (ҳозирги Фарғона шаҳри) бўлган Фарғона области ташкил этилди.

Унча аниқ бўлмаган маълумотларга кўра, Қўқон хонлиги Россияга қўшиб олинишидан олдин Наманганда 5000 ҳовли ва уйлар бўлган. Шаҳарнинг умумий майдони 15 квадрат-чақиримни ташкил этиб, унда 30 мингга яқин аҳоли яшаган.

ЧОРИЗМ ҲУҚМРОНЛИГИ ДАВРИДА НАМАНГАННИНГ СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛИ

Чор ҳукумати ўлкани забт этгач, реакцион сиёсат юритиб, мустамлакачилик тартибларини ўрнатди. Аммо тараққиёт нуқтаи назаридан ўлканинг Россияга қўшиб олиниши прогрессив аҳамият касб этди. Биринчи навбатда, ўзаро феодал урушлари, тож-тахт талашишлари ва бекордан-бекорга халқ қонини туқишларга барҳам

³³ Уша асар, ўша том, 35-бет.

³⁴ Аристов Н. Наманганский округ Кокандского ханства. Ежегодник Туркестанского края. Выпуск 2, СПб., 1873, с. 139.

берилиб, тинч тараққиёт даври бошланди. Ўзбек демократ шоири Зокиржон Фурқат (1858—1909) ёзганидек:

Қачон Русия аҳли қўйди юз Фарғона мулкига,
Мусулмонларни ул шўри балолардан омон этди.

Ўлка шаҳарлари XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ўз шароитларини аста-секин тузатиб, ўнглаб ола бошладилар. Шаҳарларда янги саноат корхоналари, почта, телефон, телеграф, темир йўллар қурилди. Шунингдек, маҳаллий аҳоли сони жиҳатдан ўсди, фан, маориф ва маданият, савдо янада ривожланди. Буни биз Наманган мисолида ҳам кўрамиз.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Фарғона области ташкил этилгач, дастлаб у Андижон, Марғилон, Уш, Чимён, Қўқон, Наманган ва Чуст уездларига бўлинди³⁵. 1897 йилда Чуст уезди Наманган уездига бирлаштирилиб, ҳарбий кишилардан уезд бошлиқлари тайинланди. Уездлар эса, ўз навбатида, волостларга, волостлар қишлоқ жамоаларига бўлинди. Наманган уезди 29 волостга, волостлар эса 151 та қишлоқ жамоасига бўлинган, Наманган шаҳри эса 4 қисмга ёки участкага — Лаббайтога, Сардоба, Чуқур кўча ва Дегрезликка бўлиниб, идора этилди³⁶.

Наманган шаҳри географик жиҳатдан бошқа шаҳарларга нисбатан ноқулай жойлашганлигига (савдо йўллариининг ўтмаганлиги, дарё ва денгизлардан узоқлиги, атрофи тоғлар билан ўралганлиги, сув танқислиги каби) қарамасдан аҳолиси тез ўсиб борди.

1876 йилда Кауфман шаҳарни кенгайтириб, уни икки қисмга ажратиш ҳақидаги лойиҳани тасдиқлади. Лойиҳага кўра Наманган «эски шаҳар» ва «янги шаҳар» номи билан аталадиган бўлди. Эски шаҳар тор, қинғирқийшиқ кўчалар, лойдан қилинган уйлар, тор кўчалар ва хуллас, XIX асрдаги типик кўринишида қолаверди.

«Янги шаҳар» қисми эса лойиҳа асосида тўғри ва кенг кўчалар, тош терилган йўллардан иборат бўлиб, бу ерда асосан уезднинг маъмурий идоралари жойлашди ҳамда рус чиновниклари, ҳарбийлар ва савдогарлари яшади. Уларнинг сони йилдан-йилга кўпая берди.

1878—1879 йилларда эски ҳарбий қўрғонни ўз ичига

³⁵ ЦГА УзССР, И-фонд-19, оп-1. Ферганское областное управление. 1867—1917 гг. Обзор Ферганской области за 1899 гг. Новый Маргелан, 1901, с. 22, 40. Туркестанские ведомости, от 13 марта 1876 г., № 13.

³⁶ ЦГА УзССР, И-фонд-19, оп: 1, ед. хр. 334. л. 3—5.

олган ҳолда янги рус ҳарбий қалъаси (ҳозирги Пушкин номли истироҳат боғи ёнида), 1893—1895 йилларда рус меъмори В. С. Гейнцельман лойиҳасига кўра уезд бошқармаси биноси (ҳозирги шаҳар партия комитети биноси) қурилди. Наманганда ҳаммаси бўлиб 5 та банк бўлими бор эди.

Қўқон хонлигига қарашли ҳарбий қалъани кенгайтириш учун қурилиш материали сифатида ғиштдан фойдаланиш керак бўлиб қолди. Бунинг учун эса парк ичидаги ҳозирги кўл бўлиб турган ердан тупроқ қазилиб, ғишт тайёрланди. Тупроқ қазиб олинган, чуқур майдонни уезд бошлигининг буйруғи билан сув билан тўлғазилиши натижасида ҳозирги кўл ҳосил бўлди. Кўл ўртасидаги оролчада эса уезд бошлиғи ва унинг хонадони учун ошхона ташкил этилди. Кўл атрофига манзарали каштан ва чинор дарахтлари экилиб, узоқ ўтмишни эслатиб турган чинорлар тағида ҳокимларнинг кўнгили очиши учун махсус боғ барпо этилди. Унга солдатлар ва маҳаллий аҳолининг кириши таъқиқланди. Совет ҳокимияти йилларидагина мазкур парк янада гуллаб-яшнаб халқ сайилгоҳига айлантирилди.

Ўзбекистонда темир йўл қурилиши саноат, савдосотиқ ва пахтачиликни янада ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлди. 1908 йилда «Қўқон — Наманган темир йўл жамияти» тузилди. 4 миллион 584 минг сўм акцияли капиталга эга бўлган бу жамиятга Қўқон — Наманган — Андижон орқали Жалолободгача темир йўл шохобчаси қуришга рухсат этилди³⁷. 1910 йилдан бошлаб қурила бошлаган Қўқон — Наманган темир йўли эса 1912 йилда тўла битказилиб ишга туширилди.

Россияга қўшиб олинганга қадар Наманганда бирорта завод ва фабрика йўқ эди. Дастлабки пахта тозалаш заводи 1887 йилда қурилди. 1888 йилда учта яна шундай завод қурилиб ишга туширилди³⁸. 1892 йилга келиб эса пахта тозалаш, озиқ-овқат ва тўқимачилик саноатига доир 28 та, 1918 йилда эса 44 та корхона ишлаб турди. Шулардан 17 таси пахта тозалаш, 3 та ёғмой заводи, 3 та пилла қуритиш, 1 та пиво пишириш, 3 та ғишт заводи, 2 та босмаҳона ва бошқа майда корхоналарни ташкил этарди³⁹.

³⁷ Ўзбекистон ССР тарихи, II том, 176-бет.

³⁸ Туркестанские ведомости, от 4 июля 1886 г., № 27.

³⁹ Ўзбекистон ССР тарихи, II том, 169—175-бетлар; Акрамов З. М. Наманганская область. Экономико-географический очерк. Ташкент, 1955, с. 154.

Янги пахта тозалаш заводлари ва бошқа саноат корхоналарининг вужудга келиши маҳаллий саноат пролетариатининг ўсишига катта таъсир этди. Маҳаллий халқ вакиллари орасида ишчи кадрларининг етишиб чиқишида рус ишчиларининг роли катта бўлди. Ишчилар сони дастлаб Наманганга кўчиб келган ёки бадарға қилинган рус ишчилари ҳисобига ўсиб борди. Биринчи жаҳон уруши арафасида пролетариатнинг тўпланиши бўйича (ҳар минг аҳолига 22 ишчи) Наманган Туркистон ўлкасида учинчи ўринда турарди. Инқилобга қадар Наманганда саноат корхоналарида 4 мингга яқин ишчи ишлар эди.

Наманганда савдо-сотиқ ишлари янада ўсди. Шаҳарда истеъмол молларининг 80-85 проценти Россиядан келтирилар эди (бунга озиқ-овқат маҳсулотлари кирмайдди). Россия билан бўлган савдо ва бошқа муносабатларнинг кенгайиши билан қолоқ ўрта аср феодализи шароитида яшаб келаётган маҳаллий халқ ҳаётида, социал муносабатларида ва маиший турмушда жиддий ўзгаришлар бўлди. Чунончи, бой хонадонларида 7 ва 10-керосин чироқлар, меҳмонхона ҳамда жамоат жойларида эса 40-«варшава чироқлари», Швейцария соати ва рус самоварлари, немисларнинг тикув машиналари («Зингер машиналари»), Бельгия гугурти ва «машина ўчоқ»лари (примуслар) пайдо бўлди. Уралда қўйилган чуян қозонлар ва асримиз бошларида эса граммафонлар тарқалди. Бундай ўзгаришлар маҳаллий аҳолининг кийим-бошларида ҳам рўй берди. Масалан, бадавлат кишилар ва савдогарлар, уларнинг ўғиллари илгариги «ҳолта қўйлак» — жиякли қўйлак ва руҳонийлар «итёқа қўйлак» деб атаган тугмадан қопқоқ ёқали қўйлак устидан энсиз бўлма ёқали тўн кийишга («инглиз ёқа» дейилган) ва узун занжирли соат тақишни ўрганадилар. Аёллар эса биринчи марта кўкрагидан бурма қилиб тикилган қўйлак кийишга ўтадилар.

Россия тўқимачилик саноатида Абрамов, Захаров, Соколов фабрикаларида ишлаб чиқилган сатин маҳсулотлари маҳаллий халқ орасида машҳур бўлиб, бу маҳсулотлар фабрика эгаларининг номларига қараб «Заҳар — мараз» (Захаров — Морозов), «Обровон» (Абрамов), «Соколин сатин» (Соколов сатини) деб аталарди. Русча товар халқ орасида «Товар» деб аталган ярим ипак газлама ва бахмаллар бадавлат хонадонларга кириб келди. Айни пайтда бу даврда ўзбек хонадонларида илк бор картошка ва помидорлар истеъмол қилина бошланди.

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Туркистон генерал-губернаторлиги бош инспекторининг кўрсатмаси ва Фарғона область ҳарбий губернаторининг буйруғи билан 1878 йил 1 июлдан бошлаб област территориясида 8 та ўқув юрти очилди. Шундан 1879 йилда Наманганда битта ўғил болалар учун икки синфли ва битта қизлар учун икки синфли приходск билим юрти очилди⁴⁰.

1884 йилдан бошлаб эса водий шаҳарларида рус-тузем мактаблари очила бошланди. Рус-тузем мактаблари ўқув-тарбия соҳасида эски маҳаллий мактаблардан юқори туриб, рус тилини ўрганишда муҳим роль ўйнади.

Наманганда биринчи рус-тузем мактаби 1886 йилда, янги усул мактаби эса 1897 йилда очилди. Аммо қора гуруҳчи руҳонийлар уни «кофирлар мактаби» деб эълон қилдилар. Шунга қарамасдан унга қизиқиш ортиб борди. Шундай шароитда илғор маърифатпарвар олим ва шоир Исҳоқхон Ибрат ўз ўғли Аббосхонни биринчилар қаторида рус-тузем мактабига ўқишга беради. Исҳоқхон Ибратнинг ўзи ҳам Тўрақўрғонда рус-тузем мактаби очади. 1907 йилда янги мактаб очиб болаларни илғор педагогика асосида ўқитади ва мактабни замонавий қуроллар билан жиҳозлайди. Адибнинг «Тўрақўрғондаги рус-тузем мактаби» деган мақоласи («Туркистон вилоятининг газети»да босилган) ана шу масалага бағишланган. Бинобарин, янги усул тарафдори бўлган Ибрат Ҳамза, Авлоний, Сўфизодалар қаторида туриб мактаблар очди. Чунончи, Ибрат 1918 йилда Тўрақўрғонда биринчи марта совет мактаби очди. Наманганда етишиб чиққан биринчи совет ўқитувчилари Исҳоқхон Ибрат қўлида таълим олдилар.

Рус-тузем мактаблари учун ўқув қўлланмалари яратилди. Чунончи, 1887 йилда В. П. Наливкин томонидан «Азбука для мусульманских школ оседлого населения», 1902 йилда Саидрасул Азизов томонидан тузилган «Устози аввал»дан сўнг янги усулчи муаллифлар алифба дарсликларини туздилар. 1908 йилда Ибрат савод чиқаришга бағишланган «Санъати Ибрат», «қалами Мирражаб Бандий» асарини ҳамда «Илми Ибрат» рисола-сини Наманганда нашр эттирди. К. Е. Бендриковнинг ёзишича, XX аср бошларида Россия ҳақида биринчи марта оммавий лекция текстлари («Народные чтения для туземцев») тузилиб тарқатилди. Лекцияда илм-фан

⁴⁰ ЦГА УзССР. Ф. И-47, оп-7, ед. хр. 94, л-171.

тараққиётига йўл очиш учун мадрасаларда рус тили ўқитиш таклиф қилинади.

Инқилобга қадар Наманганда аҳолининг 2,9 процентигина саводли бўлган, холос. Шаҳарда битта бошланғич мактаб ва 2 та мадраса бўлиб, унда асосан ўғил болалар ўқитилган. Йирик рус савдогари Соловьевнинг ташаббуси ҳамда 1400 та китоб совға қилиши билан 1903 йилда Наманганда биринчи марта кутубхона ташкил қилинган.

XIX аср охирларида Наманганда 50 та каровотга мўлжалланган ҳарбий лазарет (касалхона) ва 20 каровотга мўлжалланган касалхона очилган. Туркистон генерал-губернатори барон Вревскийнинг 1897 йил 12 ноябрда Фарғона область ҳарбий губернаторига ёзган циркуляр хатида Қўқон, Андижон, Наманган ва Эски Марғилонда хотин-қизлар ва болалар учун бепул медицина хизмати кўрсатишга рухсат этилган.

XIX аср охири — XX аср бошларида Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларидаги каби Наманганда ҳам музика санъати, халқ оғзаки ижоди, ҳаваскорлик тўгараклари, қизиқчилик ва аскиябозлик санъати маълум даражада ривожланди. Наманганда созанда Уста Рўзиматхон, хонанда Усмон ҳожи Фозилбоев ва Шарофат яллагчиларнинг номи анча шуҳрат қозонган эди.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида Наманганга рус ва чет эл савдогарлари, сайёҳ ва олимлари келдилар. Чунинчи, Наманганда уезд бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишлаган В. П. Наливкин⁴¹ ва унинг хотини М. Наливкина узоқ вақт шу ерда яшадилар. Истеъфога чиққач, у ўз оиласи билан Нанай қишлоғида бир неча йил яшаб, тарих, тил, этнографияга доир материаллар тўплаб китоб қилиб чиқардилар. Масалан, Наливкин тўплаган материаллари асосида (маҳаллий тарихий манбалар, ривоятлар, ёрлиқлар, буйруқлар, иноятномалар ва бошқалар) «Қўқон хонлигининг қисқача тарихи» (Казань, 1886), В. Наливкин ва М. Наливкиналарнинг этнографияга доир «Очерки быта женщины оседлого туземного населения Ферганы», «Русско-сартовский и сартовско-русский словарь» (Казань 1886)», М. Наливкинанинг «Сартовско-русский словарь по наречиям Наманганского уезда» каби асарлари фикримизнинг далилидир. Туркистон генерал-губернаторлигининг илтимоси билан Фарғона областининг иқтисодий ҳаётини ўрганиш ва қишлоқ хўжалиги шароитларини кўздан ке-

⁴¹ Туркестанские ведомости, от 13 марта 1876 г., № 13.

чириш мақсадида табиатшунос олим академик А. Ф. Миддендорф 1878 йилда водийга экспедиция билан келади. Уч ой давомида водийни айланиб чиққан А. Миддендорф Наманган уездининг Чортоқ, Янгиқўрғон, Заркент ва Нанай қишлоқларида бўлиб, мазкур районларнинг қишлоқ хўжалиги, хусусан ирригация аҳволи билан танишиб, ўзининг конкрет таклифлари билан чиқади. Наманганда уч кун туриб, сўнгра Ахсикент харобасига бориб коллекция тўплайди.

А. Миддендорф 1882 йилда Петербургда «Фарғона водийсининг очерклари» номли йирик асарини нашр эттиради. Асарда Наманган воҳасининг ирригацияси, қишлоқ хўжалиги ва географиясига доир қимматли маълумотлар бор⁴².

Россия археологик комиссиясининг толшириғи билан 1884 йилда Петербург университетининг профессори, шарқшунос олим П. И. Веселовский (1848—1918) Туркистонга келади. У Бухоро, Зарафшон ва Фарғонада бўлиб, археология ишлари билан танишади ва қазишмалар ўтказиши. Айниқса, у Ахсикент харобасида ўтказган қазишмалари вақтида қимматли материалларни топади ва Ахсикент ҳақида ўз фикрларини баён этади⁴³.

Веселовский командировка давомида Наманганда ҳам бир неча кун бўлади. Афсуски, у ҳам бош қалар каби шаҳар ҳақида ҳеч нарса ёзиб қолдирмаган. Шунингдек, Қўқон хонлигини тугатишда шахсан қатнашган тарихчи олим А. Кун Наманганда ҳам бўлиб, турли материаллар тўплайди. Ўзбек, тожик ва араб тилларини яхши билан А. Кун (тахаллуси Искандар Тўра) ўзининг машҳур «Қўқон хонлигининг очерки» номли асарини ёзди. Асар Қўқон хонлиги тарихи ҳақида ёзилиб, унда муаллиф Наманган шаҳри ҳақида ҳеч нарса демайди⁴⁴.

«Туркестанские ведомости» (бу газетанинг биринчи сони 1870 йил апрелда чиққан) газетасининг хабар беришича, француз олими Барон Уйфалви Косонда бўлиб, Мугтепа харобасини ўрганиш вақтида Наманганни ҳам тарк этмаган. Шунингдек, шарқшунос олимлар

⁴² Миддендорф А. Очерки Ферганской долины. СПб., 1882.

⁴³ Отчет Императорской Археологической комиссии за 1882—1888 гг. СПб., 1891, с. 61—73.

⁴⁴ Кун А. Очерк Кокандского ханства.— «Известия Русского географического общества», 1876, т. 12.

Н. Пантусов, венгер А. Вамбериялар ҳам ўз вақтида шаҳримизга ташриф буюрганлар.

Урта Осиё шаҳарларида босмахона ва литография ташкил этилиши жуда катта маданий воқеа бўлди. Бинобарин, Урта Осиё Россияга қўшиб олинмасдан олдин ўлкада китоб нашр қилинмас эди. Китоблар эса айрим шахсларнинг закази билан махсус котиблар томонидан қўлда кўчирилган. Китобларнинг камлиги ёхуд йўқлиги эса оддий кишиларнинг улардан баҳраманд бўла олмаслигига ва халқ орасида саводхонликнинг жуда пастлигига сабаб бўлди. Архив материалларининг кўрсатишича, давлат йўли билан Наманганда биринчи босмахона 1882 йилда ташкил этилган⁴⁵. Бундан ташқари, йирик рус савдогарлари ва кейинчалик эса маҳаллий аҳоли вакиллари томонидан хусусий босмахоналар ва типолитографиялар ҳам ташкил топди. Масалан, Наманганда тўрақўрғонлик маърифатпарвар олим ва шоир, тарихчи ва географ Исоқхон Ибрат (1862—1937) томонидан очилган литография воҳада полиграфия ва матбуотнинг вужудга келишида катта роль ўйнади.

Исоқхон Ибрат рус маданияти ва техникасини ўз кўзи билан кўриш мақсадида 1907 йилда Оренбургга боради. Бу ерда у Гоуфман деган матбаачидан пулини 10 йил мобайнида тўлаш шарти билан литографик машина сотиб олади. Исоқхон литографик машинани машаққатлар билан Оренбургдан Қўқонга поездда, Қўқондан Тўрақўрғонга туяларда олиб келади. 1908 йилда чор ҳукуматининг рухсатидан сўнг ўзи қурдирган ҳаммом ўрнида босмахона ташкил қилади ва уни «Матбааи Исҳоқия» (ҳозирги «Ударник» босмахонаси) номи билан ишга туширади. Туркистоннинг чекка қишлоғида матбааи вужудга келтиришдаги мақсади ҳақида Исоқхон Ибрат ўзининг «Тарихи чопхона» шеърисида батафсил ёзади.

Туркистоннинг илк матбаачиларидан бири бўлган Исоқхон бу амалий фаолияти билан XIX аср охири — XX аср бошларидаги илғор маърифатпарварлар гояларини яна бир поғона юқорига кўтарди. «Мақсад бу ишдан эрди оламга илм қасри» деб орзу қилган Ибрат бу ерда биринчи марта 1908 йилда савод чиқаришга бағишланган «Санъати Ибрат, қалами Мирражаб Бандий» асарини нашр қилди.

«Матбааи Исҳоқия» илм-маърифат тарқатиш мақсадида ташкил қилинган эди. Шунинг учун ҳам Исоқхон матбаага нур таратаётган қуёш тасвирини ишлатиб,

⁴⁵ ЦГА УзССР. Ф. И-19, оп-1, ед. хр. 15466, л-12.

ичига «Илм» сўзини ёздирган. Бу билан у билимни нур сочаётган қуёшга ўхшатади. Бу рамзий эмблема мазкур матбаада нашр қилинган китобларнинг кўпида учрайди.

Исоқхон Ибратнинг ҳуснихатга, савод чиқаришга бағишланган «Санъати Ибрат, қалами Мирражаб Бандий» рисоласи, «Қўйин дафтари», «1336 ҳижрий — 1918 милодий йил календари», «Илми Ибрат» шеърлар тўплами маърифатпарварлик руҳи билан суғорилган. Ёзувчилар тарихига бағишланган лингвистик «Жомеъул ҳутут» («Хатлар мажмуаси») каби асарлари ана шу «Матбааи Исҳоқия»да нашр этилади.

1912 йилда Наманган шаҳрида «Хатлар мажмуаси»нинг нашр этилиши ўзбек матбаачилиги тарихида улкан ҳодисадир. Ибратнинг замондоши Хусайн Мақаев мазкур асарнинг тарихий аҳамияти ҳақида сўзлар экан: «Нафис санъат ҳисобланган энг эски ёзув ва хатларни бизга бир умрлик асар қолдиргувчи бу китобнинг Туркистонда нашр қилиниши бизнинг учун ўзи бир шарафдир», — деб қайд қилиб ўтади.

«Матбааи Исҳоқия»нинг ташкил этилиши Наманганда ва Наманган уездида маданий-маърифий соҳаларнинг жонланиши ва ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Расмий маълумотларга кўра, биринчи китоб дўкони Наманганда 1909 йилда татар зиёлиси Исҳоқ Шарипов томонидан очилган.

Дўконда «Матбааи Исҳоқия»да нашр этилган китоблар, қўлёзма асарлар, эълонлар, таклифнома ва бошқалар сотила бошланади. Бугина эмас, И. Шарипов қўшни хорижий мамлакатлар — Ҳиндистон, Эрон, Туркия мамлакатларида, шунингдек Қозон, Петербургда араб графикасида чиқарилган китобларни ҳамда газеталарни Наманганга олиб келиб сотишни ҳам ташкил этган.

Тадқиқотчи Р. Холматовнинг таъкидлашича, 1906 йилда Петербургда Рашид Қори Иброҳимов ташкил этган «Улфат» номли босмахонада «Улфат» номли газета ҳам нашр этилади. Исҳоқ Шарипов ташаббуси билан ана шу газеталар Наманганга ҳам олиб келиб сотилади. Чунончи, сақланиб қолган газета намуналарига «Кошифия» сўзи битилган муҳр босилган. Шунингдек, ҳозирги вақтда Фарғона область адабиёт музейида сақланаётган бир нечта литографик асарларга ҳам «Наманган Кошифия» деган муҳр босилган⁴⁶.

⁴⁶ Наманган ҳақиқати, 1984 йил, 12 сентябрь.

Наманганнинг Анорзор маҳалласида яшаган Усмон заргар Эшмуҳаммад ўгли томонидан ёзилиб, 1913 йилда «Исҳоқия» матбаасида чоп этилган: «Ажойиб хосие ул фозили олим» («Олим ва фозиллар ҳақида») деган 75 бетлик илмий асар шулар жумласидандир. 1912 йилда «Исҳоқия» матбаасида босилган Ҳусайн Мақаевнинг болаларни ўқитиш масалаларига бағишланган «Илми ҳол» дарслигида ҳам «Қошифия» муҳри бор.



Намангандаги тарихий обидалардан бири.

Шундай қилиб, 1909 йилдан бошлаб Наманганда китоб сотиш дўконлари очилиб, уларнинг сони 1919 йилга келиб 15 тага етади. Китоб дўконларида литография ва босма китоблар ҳамда газеталар сотила бошлаганлиги ҳамда матбаачиликнинг ривожлана бориши Наманганнинг маданий ҳаётида катта роль ўйнади. Дастлаб миллий тилларда китоб нашр этган «Матбааи Исҳоқия»да 1917 йилдан бошлаб газета ва журналлар ҳам нашр этила бошланган.

Татар муаллими Ҳусайн Мақаевнинг ноширлиги ва муҳаррирлигида 1917 йил бошларида «Фарғона саҳифаси» газетасининг 40 та сони чиқади. Газета ўзини ўзи таъмин эта олмаганлиги учун тўхтатилади. Шу йили

август ойидан бошлаб эса «Фарғона нидоси» номли газета чиқа бошлайди. Газетанинг атиги 19 та сони чиқса-да, унда шу даврнинг муҳим ижтимоий-сиёсий ва адабий масалалари баён этилган, Ибрат, Ҳ. Мақаев ва бошқаларнинг мақолалари ҳамда шеърлари ўрин олган.

Шундай қилиб, асримизнинг бошларида Наманганда матбаачиликнинг вужудга келиши ва унинг ривожланиши, омманинг сиёсий активлигини ошириш ва илғор фикрлар билан қуроолантиришда ҳамда ижтимоий-маърифий фикрларнинг такомилда катта аҳамият касб этди. Мустамлака даврида эксплуатация, миллий зулм ва таловчилик қанчалик кучли бўлмасин Наманган шаҳарининг социал-иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим ижобий силжишлар рўй берди, у территория жиҳатдан бирмунча кенгайди ва аҳолиси ўсди. Аммо шаҳар аҳолисининг моддий-маиший турмуш даражаси Улуғ Октябрь революциясига қадар ниҳоятда ночорлигича қола берди.

ХАЛҚ ҲАРАКАТЛАРИ

Ижтимоий ва миллий мустамлака зулмининг авжига чиқиши халқ ўртасида норозиликни янада кучайтирди ва оммани золимларга қарши курашга отлантирди. Утган асрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистоннинг турли районларида содир бўлган халқ ҳаракатларининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи шаҳар камбағаллари ва деҳқонлар оммаси бўлди. Тарқоқ ҳолдаги стихияли бу чиқишларда баъзан ўзларининг тор синфий манфаатларини кўзлаган маҳаллий феодал намояндалари ҳам қатнашар эдилар.

Фарғона водийси Россияга қўшиб олинганидан сўнг бўлган биринчи ҳаракат 1879 йилнинг ноябрида Марғилон уездида солиқларни камайтиришни талаб қилган халойиқнинг чиқиши бўлди. Таловчилик солиқлари ва ҳар хил ғайриқонуний улпонлар кўпайиб кетганлигидан ғазабга келган Наманган аҳолиси 1882 йилнинг бошларида маъмурларга қарши бош кутариб чиқди. Халойиқ уезд бошлиғининг уйини қуршаб олиб, солиқларни камайтиришни талаб қилди. Бу норозилик ҳаракати уезд маъмурларининг талаби билан солдатлар ёрдамида бостирилди. Ҳаракат раҳбарлари қамоққа олиниб, жазоланди.

Чуст уездининг бошлиғи Араванитакининг⁴⁷ 1883 йил

⁴⁷ Ўзбекистон ССР тарихи II томининг 633-бетда Араванитакини Қамишқўрғон уездининг бошлиғи деб нотўғри курсатилган.

1 марта Фарғона область губернаторига ёзган рапортида Қамишқўрғон қишлоғида деҳқонлар чиқиши бўлганлиги қайд этилади. 1887 йилда Боғиш волостида қарашли Нанай қишлоғида сайлов вақтида жанжал бўлиб, қишлоқ оқсоқоллари калтакланган «жанжалкаш»лар устидан суд тергови ўтказиб, унинг ташкилотчилари жазога тортилган.

Генерал-майор Королковнинг 1893 йил 21 февралдаги телеграммасида Наманган масжидларида «халқни қўзғолонга чақирадиган» хатлар топилганини хабар қилади ва бу тартибсизлик ташкилотчиларидан 31 киши ушланиб судга берилади.

1890 йил январида Кера волостида қарашли Қумқўрғон қишлоғида оқсоқол сайлаш уч марта барбод бўлган. Деҳқонлар оқсоқол сайлашдан бош тортганлар. Ниҳоят, чор маъмурияти ўзига маъқул кишини сайловсиз оқсоқол қилиб тайинлаган.

1898 йилда «Андижон қўзғолони» номи билан тарихга кирган («Дукчи эшон» қўзғолони ҳам дейилади, чунки, унга Мадали Эшон бошчилик қилган) кучли халқ ҳаракати бўлиб, бутун водийни қамраб олади.

Наманган уезди бошлиғининг 1898 йил 19 майда йўллаган хабарида қирғизлар орасида ғалаён бошланганлиги баён этилган. Шу йили июнь ойида шаҳар аҳолиси орасида ҳаракат бошланиб, қўзғолон тусини олган. Уезд бошлиғининг ёрдамчиси подполковник Бушен бошчилигидаги казаклар отряди Наманган қўзғолонини бос тирди. Тоғлик районларга ҳам тарқалган бу қўзғолон иштирокчиларидан 29 киши қамоққа олинади.

Бу ҳаракатларнинг ҳаммаси ҳам стихияли бўлиб, чор ҳукуматининг яхши қуролланган кучларига қарши изчил тура олмас эди. Бу қўзғолонлар феодализмга ва мустамлакачиликка қарши қаратилган халқ ҳаракатлари эди. Фарғонадаги, шу жумладан Намангандаги халқ ҳаракатлари турли шаклга, кўпроқ диний тусга эга эди. В. И. Лениннинг «...диний ниқоб остида еиёсий норозилик рўй бериши ёлғиз Россия халқигагина хос бир нарса бўлмасдан, балки ўз тараққиётларининг маълум босқичида ҳамма халқларга ҳам хос бўлган ҳодисадир»⁴⁸,— деган фикрлари мазкур ҳаракатларга ҳам бевосита тааллуқлидир.

XIX асрнинг 80—90-йилларида бўлиб ўтган қўзғолонлардан сўнг миллий мустамлака зулми янада кучайиб кетди. Аммо энди ўлкадаги халқ ҳаракатини бу-

⁴⁸ Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами, 4-том, 267-бет.

тунлай тўхтатиб бўлмас эди. Аксинча янада чуқурлашиб, кучайиб борган халқ ҳаракатлари 1905 йилдан бошлаб янги босқичга кўтарилди.

Россиядаги 1905—1907 йиллардаги юз берган революция ишчилар ва деҳқонларни, аҳоли бошқа табақаларини сиёсий ҳаётга уйғотди, янги тарихий давр — чуқур социал ва революцион жанглар даври бошланганлигидан дарак берди. КПСС Марказий Комитетининг «Россияда 1905—1907 йиллардаги революциянинг 80 йиллиги тўғрисида»ги қарорида алоҳида қайд этиб ўтилганидек, революция даврида «Деҳқонлар ҳаракати кенгайиб борди. Деҳқонлар помещикларнинг ер эгаллиги ва қишлоқда крепостнойликнинг бошқа қолдиқлари тугатилишига эришиш учун ҳаракат қилдилар»⁴⁹. Бундай ҳаракат чекка ўлка — Наманган уездида ҳам содир бўлди. Чунончи, 1905 йил баҳорида Наманган уездида деҳқонларнинг ғалаёнлари кескин кураш остида ўтди. Уезднинг Тергачи, Янгиқўрғон, Боғиш, Сарисув, Тепақўрғон, Қирчин ва бошқа волостларида ҳақимлар сайлаш вақтида катта ғалаёнлар бўлганлиги ҳақида тарихий фактлар гувоҳлик беради. 1905 йил 6 февралда Чодак волостига қарашли Ғурумсарой қишлоғида ва Олмос волостида шундай чиқишлар бўлди. 21 февралда Олмос қишлоғи деҳқонлари Чуст ва Наманган томонга қараб юра бошлаганларида пристав уларга қарата икки марта ўқ узди. Аммо халойиқни қайтариб бўлмади. Ҳаракат «раҳнамочилари»дан 5 киши қамоққа олинди⁵⁰. Март ойида Тергачи волости деҳқонлари билан участка пристави капитани Котович ўртасида тўқнашув бўлди. Бундай ҳаракатлар Наманган уездининг бошқа қишлоқларида ҳам бўлиб ўтди. Бу ҳаракатлар ўзбек деҳқонларининг мустамлакачилик эксплуатациясига қарши ва ҳар қандай адолатсизликларга қарши норозилиги кучайиб синфий онглари ўсиб бораётганлигидан ҳамда энди очиқ жанглар томон қадам ташлаётганлигидан дарак берарди.

Наманган шаҳар камбағаллари ҳам бундай ҳаракатлардан четда қолмади. Шаҳар думасига ўтказилган сайловлар вақтида рўй берган тартибсизликлар ҳамда саноат корхоналари ишчилари ўртасида Тошкентдан келтирилган сиёсий варақаларнинг тарқатилиши, маҳаллий ишчиларнинг рус ишчи биродарлари билан ҳам-

⁴⁹ Ўзбекистон Коммунисти. 1985 йил, 2-сон, 3-бет.

⁵⁰ Ўзбекистон ССР тарихи. II том, 241-бет.

кор бўлиб норозиликларда қатнашишлари бунинг яққол мисолидир.

Биринчи рус революцияси даврида Наманганда рўй берган воқеалар келажак жанглар учун репетиция бўлди. Халқ оммаси бу даврда кўп нарсани ўрганди. Мана шу омма 1916 йилдаги миллий озодлик қўзғолони вақтида, сўнгра эса 1917 йилда 1905—1907 йиллар революцияси даврида олган революцион кураш тажрибасини муваффақият билан қўллади. Бинобарин, бу революция халқимизни асрий уйқудан уйғотиб, сиёсий ҳаёт қучоғига отлантирди. В. И. Ленин ёзганидек: «...рус революцияси Осиё халқларининг сиёсий ҳаётга уйғониши учун алоҳида бир туртки бўлди»⁵¹.

1914 йил ёзида бошланган биринчи жаҳон уруши, В. И. Ленин таърифи билан айтганда «Ҳар икки томондан» (Германия ва унинг иттифоқчилари ва Антанта давлатлари) империалистик уруш эди. Халқ бошига ғоятда оғир кулфатлар келтирган бу уруш айни қизиқ турган пайтда — 1916 йил 25 июнда подшо Николай II «Империядаги бегона аҳоли эркакларини ҳаракатдаги армия турган районларда мудофаа иншоотларини ва ҳарбий алоқа йўлларини қуриш ишларига жалб қилиш тўғрисидаги» фармонига имзо чекди. Фармонда чекка ўлкалардаги 19—31 ёшда бўлган эркакларни сафарбар этиш кўзда тутилди.

Ўзбекистоннинг туб аҳолиси, шу жумладан, Наманган халқи сафарбарликка қаршилик кўрсатиши, норозилик намойишлари ўтказиши натижасида бу очиқ қўзғолонга айланиб кетди. Бундай қўзғолонлардан бири 1916 йил июлида Наманганда бўлиб ўтди.

1916 йил 11 июль куни эрта соат 7 ларда шаҳарнинг Лаббайтоға қисмидаги «Курашхона» майдонида 4 мингга яқин маҳаллий аҳоли тўпланиб (улар орасида болалар ва хотин-қизлар ҳам бўлган) оқсоқоллардан чақирилувчилар рўйхатини йиртиб ташлашни талаб қилдилар. Бу вақтда уезд бошлиғи полковник Крошков Чустда эди. Даҳа оқсоқоли эса қочиб кетди. Шу пайтда шаҳарнинг эски шаҳар қисмига уезд бошлиғининг ўринбосари Румянцев бошлиқ полиция қисми кириб келди ва тўполончи халқни кўриб, уларни тинчлантиришга ҳаракат қилди. Лекин ҳеч ким қулоқ солмади. Шундан сўнг бу ерга пулемёт билан қуролланган рота чақирилди. Тўпланган халқ аскарлардан чўчиш ўрнига «Урушда ўлгандан кўра уйда ўлган афзал!», «Мардикорликка»

⁵¹ Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами, 17-том, 252-бет.

одам бермаймиз!» деган чақириқлар билан жавоб бердилар. Ғазаб ва нафратга тўлган оломон аскарларнинг пулемёт ва милтиқларига, кийимларига ёпишдилар. Шундан сўнг қўзғолончиларга қарши ўт очиш буюрилди. Пулемёт ва милтиқлардан отилган ўқлар натижа-сида қўзғолончилардан бир нечта киши ўлди, ярадор бўлди. Бошқа маълумотларга қараганда эски Наманганда 69 киши ўлган ва ярадор бўлган, ярадорлар орасида уч аёл ва бир бола ҳам бўлган. 3,5 соат давом этган бу қўзғолон халқ ҳаётида ўчмас қора из қолдирди. Архивларда сақланаётган ҳарбий суд материалларига қараганда қўзғолонни ташкил этишда Ғофурхўжа сартарош, дурадгор Абдурахмон Розикбоев, Йўлдош хўжа Исмонхўжаев, сувоқчи Йўлдош Мирзаев, этикдўз ака-ука мулла Усмонқори ва Равшанқори Халфаевлар, қора ишчи Юнус Ёқуббоев, тўқувчи Дадабой Орифбоев ва бошқалар жонбозлик ва мардлик кўрсатиб халок бўлганлар.

Наманган қўзғолони маъмуриятни ташвишга солиб қўйди. Фарғона область ҳарбий губернатори генерал Гиппиус 20 июлда Наманганга келади ва халқда ўзига нисбатан ишонч уйғотиш ниятида тўн кийиб, салла ўраб Наманган масжидида қуръон ўқийди. Қуръонда мардикорликка одам олишга қарши кўрсатма йўқлигини, аксинча у маъмурларга бўйсуниб вазифасини юклашини исботламоқчи бўлди. Аммо маъмурият тушунтириш йўли билан халқни тинчлантиришга имконият бўлмагач очикдан-очик ҳарбий жазога ўтдилар.

Намангандаги июль воқеалари таъсирида уезд қишлоқларида ҳам халқ қўзғолонлари бўлиб ўтди, халқ билан полиция ўртасида қонли тўқнашувлар бўлиб турди. Чунончи, Кепа волостининг Шўрқўрғон, Уйчи волостининг Ёрқўрғон, Қизилравот ва Уйчи, Чуст волостининг Машад, Уйғур, Тошқўрғон ва Тепақўрғон, Олмос волостининг Пешқўрғон ва Қуйи Олмос, Тергачи волостининг Чиндовул қишлоғида, Поп волостининг Хонобод ва Поп қишлоқларида, Чодак ва Варзик қишлоқларида қаттиқ тўқнашувлар бўлиб, Шўрқўрғондан 120 та, Чиндовулдан 25 та қўзғолончи қамоққа олинган. Ёрқўрғонда иккита қишлоқ оқсоқоли қўзғолончилар томонидан уриб ўлдирилди, мардикорчилар рўяхати куйдириб ташланди ва иккита печать (муҳр) синдириб ёқиб юборилди. Тарихий маълумотларга кўра, Фарғона областида 1916 йил июль ойидагина 8 та волость бошқарувчиси, 11 та қишлоқ оқсоқоли, 5 та элликбоши, 6 та котиб (секретарь) ва бошқалар ўлдирилган. Шу муно-

сабат билан Гиппиус Тошкентга йўллаган ахборотида: «Мен ҳамма уездлардан ташвишли сигнал олиб турибман. Маҳаллий маъмурият юрагини шу қадар олдириб қўйганки, қонли жазо берилишидан қўрқиб волостлардан шаҳарларга қочмоқда», деб ёзган эди⁵².

Наманган улкашунослик музейида, Тошкентдаги Ойбек номли Ўзбекистон ССР халқлари тарихи музейида ва бошқа музей ҳамда архивларда Наманганда бўлган 1916 йил июль воқеалари ҳақидаги материаллар, қўзғолон иштирокчиларининг фотосуратлари ва номлари, турли расмлар аниқланмоқда. Булар қўзғолон ҳақида тула ҳикоя қилишга имкон беради. Чунончи, шаҳар улкашунослик музейида қўзғолон иштирокчиларидан Акбарали Мўминов, Муҳиддин Мадкаримов ва Абдухалил Содиқовларнинг суратлари бор.

Шундай қилиб, 1916 йилда Наманганда бўлиб ўтган халқ ҳаракати ўз моҳияти билан антиимпериалистик ва урушга қарши ҳаракат эди. Бу қўзғолонлар, гарчи табиатан қўпол ва ваҳшиёна шаклларда намоён бўлса-да, у миллий озодлик ҳаракати бўлиб, Россияда бошланиб келаётган халқ революциясининг бир тўлқини эди.

1916 йил қўзғолони бостирилгандан кейин ҳам маҳаллий аҳоли ўртасида пинҳона ғалаёнлар тўхтамади. Охранканинг хабар беришича, Андижон, Наманган уездларида «кайфият таҳликаси ва арзимас миш-мишлар ҳам аҳолини безовталаштирмоқда эди. Генерал-губернатор Куропаткин буларга бефарқ қарамасликка ундади, рус аҳолисини «умумий мусулмонлар қўзғолони» хавфи билан қўрқитди ва «русларни тезда қуроолантиришга» даъват этди.

1917 йил 27 февралда Петроградда большевиклар раҳбарлигида ишчи ва солдатлар амалга оширган буржуа-демократик революция ғалаба қозонди. Бу ҳақдаги хабар узоқ Наманган уезд бошлиғи подполковник Чикондзе Фарғона область бошқармасига ёзган рапортида: «Мен бошқараётган уезд солдатлари етарли қурол-яроғ ва патронлар билан таъминланган. Бироқ, Чуст ва Янгиқўрғон участкалари учун яна 2600 патрон, «Брауннинг ва 60 обоймали» револьверлар керак»,— деган эди.

Чор чиновниклари кўзлаган мақсад амалга ошмади. Тайёрланган қуроолларни халққа қарши отишга улгурмадилар. Шаҳар марказий кўчаларида ишчи ва камбағалларнинг митинглари ўтказилди. Унда шаҳар буржуазияси ва миллатчи гуруҳларнинг вакиллари ҳам қат-

⁵² ЦГА УзССР, ф-1, оп-1, хр. 1132, -44л.

нашдилар. Заводчи бойлардан Қодир Ҳожи Эшон, Юсупбой Матмусабоев ва бошқалар ишчиларнинг чиқишларига қарши чақириқлар билан чиқибгина қолмай, балки ўғри, бандит ва бошқа турли жиноятчиларни тўплаб қуроллантиришга киришдилар. Наманган гарнизонида чор ҳукумати офицери Орбелов командирлик қиларди (У большевикларни ниҳоятда ёмон кўрарди). Вақтли ҳукумат қарорига кўра у 1917 йил 1 апрелидан бошлаб шаҳар «милицияси»нинг бошлиғи этиб тайинланди ва унинг ихтиёрига 103 «милиционер» берилди. Шаҳар думаси ҳам ҳокимият органи сифатида иш кўрарди.

Муваққат ҳукуматнинг 1917 йил 5 майдаги «бегона халқлардан... мажбурий суратда олинган кишиларни ўз Ватанига қайтариб юбориш ҳақида»ги қарорига мувофиқ 1916 йилда фронт орқасидаги ишларга (мардикорликка) сафарбар қилинган кишилар 1917 йил ёзида Россиядан қайтиб келдилар. Россияда революцион ҳаракат билан бевосита боғланган ва ҳатто у ерларда РСДРП аъзолигига қабул қилинган маҳаллий кишиларнинг ватанларига қайтиши ўлкада сиёсий озодлик ҳаракатининг ривожланишида муҳим роль ўйнади. Мардикорлар Россияда катта сиёсий сабоқ олдилар ва улардан маҳаллий революционерлар ҳам етишиб чиқди. Масалан, ички Россиядан мардикорликдан қайтиб келган Абдураззоқ Ҳакимбоев (А. Ҳакимбоев 1930 йил 7 апрелда Тошкент область Паркент районида қулоқлар томонидан отиб ўлдирилган) Наманган уездига қарашли Қосонсой деҳқонларининг сув учун курашига бошчилик қилди. Қосонсойда «Ишчи ва Деҳқонлар Иттифоқи» деган Иттифоқи (союз) ташкил этиб, унга раис этиб сайланди. Лекин бу Иттифоқ узоқ яшай олмади, у таъқиб этилди. Уезд бошлиғининг буйруғи билан А. Ҳакимбоев Қосонсойдан чиқариб юборилди⁵³.

1917 йил 16 майда Наманган вокзалида мардикорларни кутиб олиш маросими ўтказилди. Шу муносабат билан шаҳарда катта митинг бўлди. Қайтиб келган ишчилар камбағалларни ёқлаб катта ер эгаларига, буржуазияга қарши нутқ сўзладилар. Улар меҳнаткаш халққа Россияда асрлар давомида қонхўрлик қилиб келган чоризмнинг ишчилар томонидан ағдариб ташланганлигини ҳамда ишчи ва солдат депутатлари Советлари тузилганлигини, улар меҳнаткаш халқнинг ҳуқуқ-

⁵³ Иноятов Х. Ш. Ўзбекистонда Октябрь инқилоби. Тошкент, 1957. 88-бет.

ларини ҳимоя қилаётганликларини тушунтирдилар. Нотиқлар меҳнаткашлар оммасини дадиллик билан бирлашишга чақириб: «бас, энди бойлар, муллалар ва буржуазиянинг гапига қулоқ солмаймиз, бизлар Советга бирлашмоғимиз керак!» дедилар. Йиғилиш тамом бўлгандан кейин улар қизил байроқ кўтариб, шаҳарнинг катта кўчаларидан ўтдилар.

Митингда «Жамияти ислом» шаҳар ташкилотининг миллатчи вакиллари қатнашиб, улар бундай ҳаракатдан норози бўлиб, Туркистон муваққат ҳукумагидан ёрдам сўраб унга мактуб юбордилар.

1917 йил мартда Наманганда биринчи ишчи ва солдат депутатлари Совети тузилди. 39 кишидан иборат Совет составида эсер Хохлов унинг раиси этиб сайланди. Совет ихтиёрида босмахона бўлиб, «Дело» газетасини нашр этдилар⁵⁴. Айни вақтда 1917 йил июнида Наманган Мусулмон депутатлари Совети ҳам тузилди. Бу мусулмон меҳнаткашларининг тарихда биринчи демократик ташкилоти эди.


Шундай қилиб, Наманганда икки ҳокимиятчилик вужудга келди. Бир томонда Вақтли ҳукумат қарорларини бажарувчи ва «милиция» — полиция кучига таянган шаҳар думаси, иккинчи томонда эса Ишчи, солдат ва Мусулмон депутатлари Советлари иш кўрди. Бироқ бу ташкилотлар большевистик ғоялар ва принциплардан узоқда эди.

Маълумки, 1917 йил ёзида бошқа шаҳарларда бўлгани каби Наманганда ҳам озиқ-овқат танқислиги содир бўлиб, бу ҳолат шаҳардаги мураккаб шароитни янада кескинлаштириб юборди. Буржуазия ўсиб келаётган инқилобий ҳаракатни очликнинг суяк қўллари билан бўғишни хоҳларди. Стачка ҳаракати кундан-кунга кўпайди. «Ака-ука Крафт»ларнинг заводидан пахта тозалаш заводи, ёғ заводи ва совун пишириш заводи ишчиларининг йиғилиши бўлиб, ишчилар соатлик иш куни жорий этишни, иш ҳақини 40 процент оширишни, меҳнат шароитини яхшилашни, йиллик отпускалар берилишини ва бепул медицина хизмати кўрсатилишини талаб қилдилар. И. Маленковнинг ёзишича, август ойида Чуст пахта тозалаш заводи ишчилари ҳам иш ташлаганлар. Чустда ишчи ва солдат депутатлари Совети тузилган. Чуст ишчилари Муваққат ҳукуматнинг заводга етиб

⁵⁴ Наманган шаҳар ўлкашунослик музейида сақланаётган И. Маленков тўплаган материаллардан олинди. Қаранг: Из истории Намангана (рукопись). Справочник. Ташкент, 1981, с. 3—4.

келган отрядига: «Агар бизни отмоқчи бўлсаларинг отинглар, аммо ишламаймиз», — деб жавоб бердилар. Шундан кейин завод маъмурияти стачкачиларнинг талабини қондиришга мажбур бўлди.

1917 йил 25 октябрь (7 ноябрь)да Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг ғалабаси асримизнинг



Эски масжид.

буюк тарихий воқеаси бўлди. Буюк инқилоб барча мазлум халқларга, шу жумладан, Наманган халқига ҳам чинакам озодлик бериб, уларнинг асрий орзуларини рўёбга чиқарди. Наманганликлар Совет ҳокимияти йилларида чинакам бахт-саодатга эришдилар.

НАМАНГАННИНГ ТАРИХИЙ ЕДГОРЛИКЛАРИ ВА МАШҲУР КИШИЛАРИ

НАМАНГАННИНГ АРХИТЕКТУРА ЕДГОРЛИКЛАРИ

Ўрта Осиё халқлари каби наманганликлар ҳам кўп асрлик бой ва бебаҳо маданий ёдгорликларга эга.

Коммунистик партия ва Совет давлати ўзининг ҳамма босқичларида маданий меросга муносабат ҳақидаги ленинча кўрсатмаларга қатъий амал қилиб, тарихий

обидаларни сақлаш ва қайта тиклаш ишларига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Бинобарин, биз ушбу китобчада Наманган шаҳридаги айрим архитектура ёдгорликларининг тарихи ва таъмири ҳақида қисқача ҳикоя қиламиз.

Илмий мақолаларда, справочник ва плакатларда ҳозирга қадар ҳам «Мавлон бобо мақбараси» деб келинаётган ва ёзилаётган мақбара⁵⁵ аслида XVII асрнинг иккинчи ярмида яшаган наманганлик шайх ва олим Мавлавий Муллахўжа эшон хотираси учун қурилган бўлиб, Мавлавий Намангоний мақбараси деб юритилади. Мавлавий Намангоний ўзи ким бўлган ва бу ҳақда қандай маълумотлар бор?

Бу ҳақдаги дастлабки маълумотлар Муҳаммад Азиз Намангоний ёзган ва шахсий кутубхонада сақланаётган «Мажзуби Намангоний» номли қўлёзма девонида ҳамда марғилонлик котиб Усмонхўжа бинни Муҳаммад Алихўжа Мурғиноний китобат қилган Фарғона водийсининг фозил кишилари ҳақида маълумот берувчи «Расоилул фузало» номли асарда учрайди.

Архитектура тадқиқотчиси Л. Ю. Маньковская ёзганидек: «Мавлон бобо» мақбараси ривоятларга кўра XVI асрда қурилган. Архитектура услуби буни рад этмайди, аммо гумбазнинг қурилиш усули эса шакл жиҳатидан XVIII асрга хос.

Мавлавий Намангоний мақбарасининг қурилиш тарихи ҳақида ёзма манбалар йўқ. Лекин мақбара ичкарисидаги деворда берилган ёзувларга кўра мақбаранинг биринчи таъмири ҳижрий 1221 йилда ёки мелодий 1805 йилда бажарилган бўлиб, таъмир ишларини бажарган уста номи номаълум. Демак, мақбара таъмиридан тахминан 50 йил аввал, яъни 1755 йилда қурилган, деб хулоса чиқариш мумкин. Айрим тадқиқотчилар эса бу мақбара 1805—1806 йилларда қурилган, деб ҳисобламоқдалар⁵⁶.

Наманган шаҳрига ажойиб ҳусн бериб турган архитектура ёдгорликларидан яна бири 1910—1912 йилларда қурилган Мулло Қирғиз мадрасасидир. Ниҳоятда қисқа вақт ичида қурилган бу мадраса ҳовлисини 41 ҳужра ва 4 та гумбаз ўраб туради. Мадраса асосан пишиқ гиштдан арк услубида қурилган. Бу қадим

⁵⁵ Маньковская Л. Ю. Об изучении архитектурных памятников Наманганской области. «Строительство и архитектура Узбекистана», 1972, № 9.

⁵⁶ Азимов И. Фарғона водийсининг архитектура ёдгорликлари. Тошкент, 1986, 69-бет.

мий Урта Осиё меъморчилиги анъаналарига мос тушди. У ғишт териш услуби, беш бурчак шаклида ишланганлиги билан ажралиб туради ҳамда пештоқидаги кошинкорликнинг нафислиги билан кишини мафтун этади. Мазкур бино ўз вақтида бошланғич ва ўрта маълумот берувчи диний мактаб вазифасини бажарган. Мулло Қирғиз яратган комплекс анъанавийлиги билангина эмас, балки тарҳ ечимининг алоҳидалиги билан ҳам диққатга сазовордир. Айни пайтда сақланиб қолган безак турлари Фарғона монументал архитектураси учун характерлидир.

Урта Осиёда ноёб ҳисобланган Ота Валихонтўра масжиди 1915 йилда бунёд этилган. Шаҳарнинг Уйчи кўчасига жойлашган бу ёдгорликнинг гумбази ҳажми жиҳатдан Ўзбекистонда ягона. Бино гумбазининг симметрик тузилиши тўғри тўртбурчак тарҳда — $27 \times 19,6$, уч чорак минораси унча катта бўлмаган кириш пештоқининг тепасидан бир қадар чиқиб туради. Масжид тузилиши ўзига хос услубда. Уртадаги катта хона қобирғали улкан гумбаз (диаметри 13,9 метр) билан ёпилган, қуйи туширилган қуббасимон тизмалар ушн уч томонлама ўраб туради. Меъморлар бино ичини ўзига хос услубда ортиқча ғиштдан холи этганлари диққатга сазовордир. Масжид улкан меъморий кўлами ҳамда конструктив ечими билан ўзига хос услубдаги ёдгорликлардан бири бўлиб, маҳобати ўз қиёфасида ёрқин акс этган гумбазли бу бино кам сақланиб қолган ёдгорликлардан биридир.

Шунингдек, шаҳарнинг Бураматут кўчасидаги кўҳна масжид, Чапаев ва Самарқанд кўчаларидаги архитектура жиҳатидан диққатга сазовор обидалар ҳам эстетик ва меъморий жиҳатдан ўзига хос ёдгорликлар бўлиб, улар ҳам қайтадан таъмирланмоқда.

НАМАНГАНЛИК МАШҲУР КИШИЛАР

Наманган ўзининг кўп асрлик тарихи давомида кўпгина ажойиб олимлар ва шоирларни, хаттотлар ва меъморларни, музикашунослар ва ҳунармандларни тарбиялаб етказди. Улар эса ўз даврида ўлка ва шаҳар тараққиётининг иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожланган турли даврларида яшаб ижод қилганлар.

Маълумки, IX—XII асрларда Фарғона водийсида бир қатор машҳур олим ва шоирлар яшаб ижод этганлар. Бироқ уларнинг туғилиб ўсган шаҳарини аниқлаш мушкулдир. Бинобарин, уша вақтларда бутун бир ўлка

ягона ном билан — Фарғона деб юритилган. IX—X асрларда яшаб ижод этган математик ва астроном Абул Аббос Аҳмад ал-Фарғоний ҳамда Абул Ҳасан, шоир Оҳий, XIII асрнинг машҳур шоири Сайфиддин Муҳаммад Фарғоний ва бошқалар шулар жумласидандир. Шунингдек, XI—XII асрларда ўлкамизда яшаб ижод этган машҳур кишилардан Абу Рашод Аҳмад ал-Ахсикатий (1073—1134) ва унинг укаси Абдулфозил Асируддин Ахсикатий («Малик уш-Шуаро» — шоирлар подшоси, 1108—1196 йиллар)лар ҳамда Аҳси фарзанди Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483—1530)ларнинг ворислари ҳам борки, улар билан наманганликлар бугунги кунда ҳақли равишда фахрланадилар. Чунончи, олим ва шоир Муҳаммад Амин Косоний — Намангоний (XVIII аср охири — XIX аср бошлари), Бобораҳим Машраб (1657—1711), Нодим Намангоний (1844—1910), Шавқий Намангоний (1805—1889), Фазлий Намангоний (XVIII аср охирлари—XIX аср бошлари), созанда Рўзиматхон Исабоев (1885—19), меъмор Фозил Намангоний (1875—1966), Исҳоқхон Ибрат (1862—1937)лар ҳақида қуйида алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Бобораҳим Машраб. Бобораҳим Машрабнинг ижодий мероси шоир яшаган ва ижод этган замонлардан буён кўпчилик диққатини жалб этиб келмоқда. Бу ажойиб ўзбек шоири ҳақида ҳозиргача кўплаб афсоналар, ривоятлар ва латифалар тўқилган. Уларнинг кўпчилигига ишониб бўлмайди. Бинобарин, уларда шоирнинг ҳақиқий қиёфасини бузиб кўрсатилади, авлиё ёки девона сифатида, кўпроқ мутаассиб шоир сифатида талқин этилади. Шунинг учун ҳам Совет ҳокимияти йилларида Машраб ижодини ўрганган олимлар (улар бир нечта: И. Аҳмедов, И. Султон, Миртемир, Ғ. Ғулом, О. Шарофиддинов, А. Ҳайитметов, А. А. Абдуғафуров, Э. Шодиев, В. Раҳмонов кабилар) бизгача етиб келган манбалар орасидан асл Машрабни ажратиб олиш учун кўп меҳнат қилдилар ва бу соҳада катта ютуқларни қўлга киритдилар.

Бироқ Машрабнинг туғилган жойи ҳақида ҳозиргача аниқ ва ишонарли далиллар йўқ. Машраб «Девони»ни тузган Ваҳоб Раҳмоновнинг «Девон»га ёзган «Буюк исёнкор» мақоласида «Аслида Бобораҳим исмли бола Намангандаги Андигон қишлоғида (ажабо, Наманганда бундай қишлоқ йўқку?!) 1657 йилда Вали бобо ва Биби Салималар оиласида дунёга келган. Отаси бўзчи қосиб бўлишига қарамай, илм-маърифатдан хабардор бир киши эди. Бобораҳим ўз қишлоғида бошланғич

маълумот олгач, отаси уни Намангон мадрасаларининг бирига ўқишга берган»⁵⁷ деб ёзади.

Шошмашошарлик ва мантиқсизликка йўл қўйган В. Раҳмонов Машрабнинг туғилган жойи ҳақида тўхталиб шундай деб ёзади: «Адабиётшуносликда Машрабни гоҳ андижонлик, гоҳ намангонлик деган ҳар хил қараш бор эди. Ҳозир бу нарса узил-кесил ҳал бўлди. Олимлар Андигонни Андижон деб ўқиб нуқсонга йўл қўйган эдилар. Машраб бир қатор шеърларида ўзбек тилида ҳам, тожик тилида ҳам — ўз туғилган жойини аниқ кўрсатган...

Мен таваллудни ўшал фарзанди Намангониман.

Қўйидаги тожик тилидаги рубоий эса, шоирнинг миллати (туркий) ва қишлоғи ҳақида маълумот бериши билан характерлидир:

Аввал қадам пири муғонро ишқ аст,
Дуввўм сару по бараҳнагонро ишқ аст.
Ривдонн Бухоро, Сангдони Кашмир,
Шоҳ Машраби турк Андигонро ишқ аст⁵⁸.

Юқоридаги «далил»лар асосида тадқиқотчи В. Раҳмонов «узил-кесил» хулоса чиқариб, шоир Намангандаги Андигон қишлоғида туғилган деб ўқувчини ҳам, студентни ҳам, жамики китобхонни ҳам ишонишга мажбур этмоқчи бўлади. Аммо юқорида келтирилган «далил»ларнинг бирортасида ҳам шоир бу фикрнинг тўғрилигини тасдиқлагани кўринмайди. Зеро, В. Раҳмоновнинг олимлар Андигон сўзини ўқишда нуқсонга йўл қўйганлари ҳақидаги фикри асоссиздир. Ваҳолонки, Наманганда Андигон қишлоғи борлиги ҳозиргача на тарихий-географик карта ва номларда, на археологик рўйхатларда учрамайди. Муаллифнинг ўзи «Машрабнинг Андигонни тарк этишининг сабаби ҳам ишқдир» сатридаги «тарки» сўзини «турк» ўқиб қўпол хатога йўл қўйган.

Машрабнинг замондоши Малехо Самарқандийнинг «Музаккир ул-асҳоб» тазкираси 1689—1691 йиллар орасида шоирнинг ҳаётлигида ёзилгани ҳаммага маълум. Самарқанд шаҳрида шоир билан учрашган Малехо ўз китобида уни асли «Андигон вилоятидан бўлиб, ўсмирлик чоғларида илм-фазилат касб этиш тилагида Намангон вилоятига келганини» таъкидлайди. Шубҳа йўқки, Малехо ҳам шоирни Андигон (Андижон) вилоятдан

⁵⁷ М а ш р а б. Девон. Тошкент, 1980, 6—7-бетлар.

⁵⁸ Уша асар, 7-бет.

эканлигини ўз тазкирасида айтган. Бинобарин, Малеҳо шоирни Андижон шаҳрининг ўзида ёки Намангандаги Андижон қишлоғида туғилган, деган фикрни баён этмаган, балки унинг Андижон вилоятидан эканлигини таъкидлаган. Шунга кўра, ҳали бу масалада узил-кесил хулоса чиқариб бўлмайди, ҳали вақт бор. Шоирнинг: «Мен таваллудни ўшал фарзанди Намангониман?» сатрларининг ўзи уни Наманган шаҳрида туғилган дейиш учун ҳозирча асос бўла олмайди. Чунки шу сатрнинг мазмунига чуқурроқ эътибор берсак, унда «Мен Намангонда туғилганман» деган маънодан кўра, «Мен Намангон фарзандининг ўғлиман» деган маънони ҳам англатади. Шоирнинг ўзи юқоридаги мисра таркибида бўлган ўша шеърининг ўзида

Ҳеч киши билмас маини қайдиш бу ерга келганим.—

деган сатрлари ҳам шоир оиласининг қачонлардир Наманган шаҳрига кўчиб келганини кўрсатади.

Машрабнинг XVII асрда етишган истеъдодли ва исёнкор ўзбек шоири бўлгани шубҳасиздир. Машраб аввал мулла Бозор охунд (Ҳожи Убайдулло) деган диндор қўлида, кейинчалик Қашқарда эшон Ҳидоятилло Офоқ Хожа ҳузурда илоҳиёт асосларини ўрганади. Унга «Машраб» тахаллусини (Машраб дегани луғатларда ичимлик, ҳазилқаш демакдир) Офоқ Хожа тақлиф қилганини айтиб: «Қуддусаро азиз Хожам Машраб отимни қўйдилар» деб ёзади. Машраб сўзини маслакдош, маслак тушунчалари билан изоҳлаш мақсадга мувофиқдир. Офоқ Хожа ҳузурда йилқичи бўлиб юрган Машраб у ерда Хожа канизакларидан бирини севиб қолгани учун бу даргоҳдан қувилади.

Машраб умрининг охиригача сафарда бўлиб, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларини айланиб чиқди. У қаерда бўлмасин исёнкор шоир сифатида шайх ва зоҳидларга қарши ўт очди. У даҳрий сифатида эмас, балки пантеист (бутун борлиқ илоҳиётдан иборат деювчилар) нуқтаи назаридан ёндошди.

Машраб биринчи навбатда ўткир лирик шоир. Унинг шеърини бадий юксаклиги, туйғуларнинг жўшқинлиги, халқ ижодида хослиги, жозибалилиги билан ҳар қандай китобхонни сеҳрлайди:

Сепсан севарим, ҳоҳ инон, ҳоҳ инонма.
Қондур жигарим, ҳоҳ инон, ҳоҳ инонма.
Ғам шони фироқинда кабоб этти фалакни,
Оҳи саҳарим, ҳоҳ инон, ҳоҳ инонма.

Машраб классик адабиётимизнинг ғазал жанрини бойитган улкан шоир сифатида кўплаб ғазаллар ёзди. Халқ диди ва тилига яқин кўплаб ғазаллар ёзди. Халқ диди ва тилига яқин содда ва жўшқин мусиқий, жонли ва жарангдор мисралар битди:

Бир боқшингга жумлаи жонона тасаддуқ,
Шахло кўзингга оқилу девона тасаддуқ.

Исёнкор шоирнинг сатирик қалами руҳонийларнинг умумлашма вакили — зоҳидларга қаратилган.

Ишқ йўлида ул зоҳид ошиққа қилур таъна,
Бир ўқ била зоҳидни отиб йўқотай, дерман.

Машраб лирик гуманист ва мутафаккир эди. Ана шундай донишманд ва лирик шоир ўз замонида ҳамиша диний мафкура, ҳукмрон синф томонидан таъқиб ва қувғин остига олинди:

Халойиқлар мени қувлар, ёмон, деб ҳар шаҳар борсам,
Ажаб мардуд, ажаб маржум, ажаб сангсора Машрабман.

Қувғин ва таъқиблар остида яшаган шоир диндорлар фатвоси билан Балх ва Қундуз ҳокими Маҳмуд Қотоннинг буйруғига кўра 1711 йилда дорга осиб ўлдирилди.

Дили тифи ситамдин пора бўлган халқни кўрдум,
Тани дарду оламдан ёра бўлган халқни кўрдум,
Қуз вақти саҳар сайёра бўлган халқни кўрдум,
Муҳаббат даштида овора бўлган халқни кўрдум,—

деб ёзган Машраб ҳақиқатда ҳам халқнинг руҳий раҳбари ва мададкори эди. Шу боисдан ҳам халқимиз унинг асарларини севиб ўқийди, ардоқлайди ва унинг хотираси учун кўчаларни, мактабларни, кино-театрларни Машраб номи билан атаган.

Муҳаммад Амин Косоний — Намангоний. Косонсойда туғилиб, Наманганда яшаб ижод этган олим ва меъмор, шоир ва котиб Аминхўжа Мунший Косоний тахминан XVIII асрнинг 70-йилларида дунёга келган. Афсуски, унинг аниқ туғилган йили ва жойи, ўқиган ва ҳунар ўргангани ҳақида ҳозирча маълумотлар йўқ. Косоний ҳақидаги ягона манба Фазлий Намангонийнинг «Мажмуаи шоирон» номли тазкирасидир. Фазлий Намангоний тазкирасининг 472-саҳифасида «Дар фасли Муҳаммад Амин Косоний» (Муҳаммад Амин Косоний фазилати) ҳақида маълум маълумотларни беради.

Фазлий Намангоний шундай ёзади:

Бу замонда Мулло Муҳаммад Амин,
Шеъринг фанида сеҳр офарин.
Ҳар санъату ҳар ҳунарга моҳир эди,
Барча илму ҳунар ундан зоҳир эди.
Беҳзоду Монийдек эди қалами,
Китобат фанида зебо рақами.
Намангон шаҳрида бор эди жойи,
Ва яна Қосонда ҳовли ҳам жойи.
Бир муддат Қосонда юргай эди у,
Бир муддат Намангонда тургай эди у.

Фазлий маълумотларига кўра, Мунший таҳаллуси билан шеърлар битган Муҳаммад Амин Қосонийнинг Намангонда ҳам ҳовли-жойи бўлиб, ҳар икки жойда яшаган. Шунинг учун бўлса керак, у ўзининг баъзи шеърларида «Мунший», гоҳида «Намангоний» деб ёзади.

Қўқон хонлиги даврида хонлик территориясида қурилган меъморлик обидаларини бунёд этишда Муҳаммад Амин ҳам актив қатнашган. Чунончи, X—XII асрларда Қосонсойда яшаган қосонлик хўжаларнинг бобокалони шайх ва олим Султон Сайид Жалолиддин хотирасига қурилган мақбарани (афсуски, бу мақбара кейинчалик бўзиб ташланган ва ҳозирги Энгельс кўчасидаги Ғўзапоя масжиди ёнида бўлиб, бугун унинг ўрнида спорт техникуми майдони жойлашган) 1809 йилда қайтадан таъмир қилиб, эски аслига келтирган.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. Навоий номи Адабиёт музейининг нодир қўлёзмалар фондида 23 рақами билан сақланаётган А. Навоийнинг дostonлар тўпламидан иборат қўлёзмага киритилган 46 та миниатюраларни Муҳаммад Амин Қосоний — Намангоний томонидан ишланганлиги ҳақидаги фикрларни музей илмий ходими Шарофат Қамбарова ҳам тасдиқлайди. Бинобарин, бу қўлёзма Муҳаммад Аминнинг замондоши ва оғайниси Мулло Рузи (тахаллуси Қотиб) томонидан ҳижрий 1240 — мелодий 1824 йилда кўчирилган. Эҳтимол Муҳаммад Амин камтарлигидан унга ўз номини ёзиб қолдирмагандир. Аммо бу қўлёманинг мусаввири Муҳаммад Амин бўлганлигига ҳеч ким шубҳа қилмайди.

Муҳаммад Амин Қосоний — Намангоний XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон хони Амир Умархон саройида тўпланган Фазлий, Хозиқ, Узлат каби шоирлар, машҳур хаттотлар ва наққошлар билан шахсан таниш бўлиб, улар билан ҳамкорлик қилади. Бироқ уша давр-

даги бошқа илм аҳлининг аянчли аҳволи сингари зулм ва адолатсизлик ҳукм сурган хонлик замонида ҳамюртими. Муҳаммад Амин ҳам умрининг охирларида ишга ярамай қолиб, аянчли ҳаёт кечириб, фаровон ва адолатли ҳаёт орзуси билан дунёдан ўтади.

Шавқий Намангоний. Мулла Шамси Шавқий Намангоний XIX асрда яшаб ижод этган илғор фикрли шоирлардан бирidir. Бошланғич билимларни отаси Мулла Ҳасандан олган Шавқий Намангоний, кейинчалик Намангандаги Шаҳанд мадрасасида ўқийди. Тирикчилик ниҳоятда оғирлашгач туғилган қишлоғи Қалвакка (Тўрақўрғон районидаги «Шарқ юлдузи» колхозида) қайтиб келиб, буз туқийдиган дукон очиб ўз тирикчилигини ўтказди. Аяни вақтда шеъринг билан шуғулланган Мулла Шамси Шавқий тахаллуси билан шеърлар ёзади. У ёзган шеърлар ва дostonлар девон ҳолига келтирилган. Чунончи, шоирнинг «Жомеъул Ҳаводис» ва «Пандномаи Худоёрхон» dostonлари, «Қўқон воқеасининг тарихи» асарлари ҳамда ғазаллари қимматлидир.

Шавқийнинг қўидаги мустазодида унинг одоб ва ахлоқий қарашлари ўз ифодасини топган:

Давлат тиласанг ҳақдин адаб риштасин ушла,
давлат анга пайванд,
Ҳеч зийнат эмас сурати зебоға адабча,
тарк айлама эшиқор.
Аҳдингин бузиб қавлинга ёлгон суҳон олма,
ҳурмат тилаб эрсанг,
Бўлмас бу иков аҳли малоҳат зарифига,
албатта сазовор.

Фазлий Намангоний. XVIII аср охирлари — XIX аср бошларида яшаб ижод этган Фазлий Намангонийнинг асл исми Абдулкарим бўлиб, Фазлий унинг адабий тахаллусидир. Ўзбек шоири ва адабиётшуноси бўлган Фазлий Намангоний Қўқон хони Амир Умархон (1809—1822) даврида сарой шоирларига бошчилик қилган. Фазлийнинг «Шоҳнома» номли тарихий асар яратганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор. У бир гуруҳ муаллифлар билан биргаликда 1821 йилда («Мажмуаи шуаро» — «Шоирлар тўплами») тузган тазкирасида унинг қасидалари ва ғазалларидан намуналар берилган. Ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган Фазлийнинг ғазал, рубоий, мухаммас ва туюқлари ўша давр Қўқон адабий муҳитида яратилган мажмуа ва баёзларда ҳам учрайди. Унинг ижодида тенденциозлик яққол кўзга ташланади. Бинобарин, у ўз тазкирасида сарой

шоирларини мадҳ этиб, илғор фикрли демократик шоирлар ижодига юзаки баҳо беради, ёхуд улар ижодига ҳурматсизлик билан қарайди.

Фазлий Намангоний ўз ижодида эксплуататор синфларнинг реакцион манфаатларини ҳимоя қилади, саройда қасидачилик ва назирагўйлик анъаналарини авж олдириб юборади, халқнинг турмуш тарзини бўяб кўрсатишга ҳаракат қилади. Айни вақтда у демократик адабиётга қарши позицияда турган сарой шоиридир.

Нодим Намангоний. XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошларидаги ўзбек демократик адабиётининг кўзга кўринган намояндаларидан бири Сулаймонхўжа Улуғхўжа ўғли Нодим Намангонийдир.

Нодим Намангоний истеъдодли шоир бўлиб, унинг адабий-ижодий меросининг асосий қисмини лирика ташкил этади. Муҳаббат ва вафо мотивлари Нодим ижодида биринчи ўринда туради. Чунончи, унинг 1890 йилда Авлиёотадан ўз рафиқасига ёзган шеърий мактуби унинг прогрессив кайфиятини ифода этади.

Эй, боғи умримда битган ниҳол,
Кўзим чашмаси бирла топган камол.
Дилим қуввати, уйим зийрати,
Кўзим нури, ёлғиз бошим давлати.

Муҳаббат жаҳонда бир тоза бёғ,
Манинг рўзгоримда ёнган чироқ.

Филология фанлари кандидати А. Халилбековнинг фикрича, «Мактуби муҳаббати услуб» ўша давргача бўлган ўзбек адабиёти тарихида ижобий янгилик эди.

Шоир ғазалларида мавжуд ижтимоий тузум, ҳукмрон муҳит ва даврдан норозилик мотивлари чуқур ифодаланган. Замондан норозиликни ошкора баён этувчи фикрлар, чунончи «Давр жабридан ҳасрат қилолмай доғман», «Замон жабридан тоқатим тоқ бўлиб, Паноҳ истабон сенга келдим бу кун» кабилар фикримизнинг далилидир.

Ўз даврининг тараққийпарвар ва халқчил шоири бўлган Нодим асарларида халқ ҳаёти реалистик тарзда тараннум этилиб, унинг қаҳр-ғазаби ифода этилади, замон иллатлари фош этилади. Нодим ижодида маърифатпарварлик қарашлари муҳим ўрин эгаллайди. Шоирнинг Самарқанд — Бухоро — Тошкент бўйлаб қилган саёҳатига бағишланган бу лиро-эпик асарида конкрет воқеалар ётади. Бинобарин, Тошкент саёҳатида юрган вақтида гимназияни бориб кўрган шоир: «Офа-

рин, минг офарин, бу илм бир асрордир» деб хитоб қилади.

Нодим Намангоний ўз навбатида сатирик шоир ҳам бўлган. Унинг «Дар мазаммати замона» асарида текинхўр бойлар устидан кулади. «Муҳаммаси Нодим ба аҳволи замон» асарида эса сайлов можаролари ва мансаб учун курашлар устидан кулинади. Айни пайтда шоир дин аҳллари ҳам уткир сатирик тил билан масхаралайди. Шунинг унутмаслик керакки, шоир ижодида ўзи яшаган давр билан боғлиқ зиддиятлар ва заиф томонлари ҳам бор. У мазкур замондаги синфий қарама-қаршиликларнинг илдизларини ва синфий кураш моҳиятини тушуниб етмайди. Аммо унинг ижодида шу замонга нафрат туйғуси ва норозилик мотивлари баралла эшитилади.

Нодим ижодининг асосий қисмини халқчил ва ғоявий-бадий жиҳатдан баркамол асарлар ташкил этади. Бинобарин, шоир асарларининг ғоявий-тематик ва ижодий-эстетик жиҳатлари билан шу давр прогрессив демократик адабиётининг кўзга кўринган вакили бўлиб қолаверади. Шоир ижодининг ана шу томонлари ўзбек адабиёти тарихидан ўзига хос ўрин олади.

Уста Фозил Намангоний. Уста Фозил Нейматилла ўғли Намангоний Лаббайтоға даҳасидаги Мулла бозор Охун маҳалласида 1875 йилда сувоқчи уста оиласида туғилган. Фозилнинг отаси Нейматилла моҳир сувоқчи уста бўлиб, тўнғич ўғлини шу маҳалла масжиди қошида очилган эски мактабга ўқишга беради. Мўйдин қоридан бошланғич маълумотни олган Фозил оилавий қийинчилик туфайли ўқишни ташлаб, отаси билан бирга ишлаб тирикчилик ўтказишга мажбур бўлади. Айни пайтда шу даврдаги ғишт қуювчи уста Маматшоҳга шогирд тушади. Ёш Фозил Маматшоҳ билан бирга юриб XIX аср охирларида Наманганда қурилган бинолар: Николай ва Юсуф кулол банкаси (ҳозирги шаҳар партия комитети биноси ва обком комсомол бинолари) қурилишида ишлайди. 1910 йилда эса Мулла Қирғиз мадрасаси қурилишида қатнашади. Ганчкорлик ва кошинкорлик сирларини ўрганиб ном қозонган Уста Фозил 1915 йилда Отавалихон тўра масжиди (ҳозирги вино заводи биноси)ни қуришда актив қатнашиб, катта обрў қозонади.

Совет даврида Уста Фозил машҳур меъмор сифатида танилиб замонавий бинокорлик қурилишларига бошчилик қилди, маҳаллий кадрлардан кўплаб қурувчи шогирдлар етиштирди. Булар орасида Социалистик Меҳнат

Қаҳрамони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган бинокор Абдулла Воҳидов, уста Шарифжон Раҳмонов ва бошқалар бор.

Уста Фозил 2-ГЭС қурилишига раҳбарлик қилиб, уни 1932 йилда битказди. Уста Фозил Намангоний архитектура ёдгорликларини таъмир этишда маҳорат кўрсатиб, халқ ҳурматиغا сазовор бўлди. Чунончи, Мулла Қирғиз ва Тўрақўрғондаги Ғойибназар қори мадрасаларини таъмирлашга раҳбарлик қилди ҳамда уларнинг пештоқига хотира учун ўз номини ёзиб қолдирди. Эндиликда унинг ўғли уста Турғун Фозилов бошлиқ Фозиловлар оиласи бобосининг меъморчилик санъатини давом эттирмоқдалар.

Рўзиматхон Исабоев. 1885 йилда Наманганда ёлланма темирчи оиласида туғилган Рўзиматхон дастлабки музика таълимини машҳур хонанда ва созанда уста Жалолхондан олди. У устозидан танбур, дутор ва ғижжак чалишни, аynи вақтда бир қатор чолғу асбоблар ясашни ҳам ўрганади.

1911 йилда ёш хонанда музикадан тўлароқ билим олиш мақсадида Бухорога боради. Бу ерда устоз Ота Жалол билан яқиндан танишиб, ундан Бухоро шашмақомининг «Сегоҳ», «Дугоҳ» йўлларини ўзлаштиради. Шундан кейин Самарқандга бориб, у ерда машҳур бастакор ва ашулачи Ҳожи Абдулазиз ҳузурнда ундан «Самарқанд ушшоғи», «Гулузорим», «Қаримқули» каби ашулаларни ўрганади.

Ўз билимини бойитган Рўзиматхон яна она шаҳри Наманганга қайтиб келади. «Машҳур устозлардан ўрганган музика асарларини хусусий мулк қилмасдан бошқаларга ҳам ўргатиш керак» деб ҳисоблаган Рўзиматхон 1912—1913 йилларда ўз атрофига Журавой, Шарифжон, Пулатхон, Дадахон сингари санъат ишқибозларини тўлаб, уларга музика сирларини ўргатади.

Уста Рўзиматхоннинг санъаткорлик ва мураббийлик истеъдоди совет даврида барқ урди. 1925 йил 5 декабрда Қўқон шаҳрида санъат ходимлари касаба союз йиғилишида қатнашган Рўзиматхонни йиғилишдан сўнг Андижондан келган раҳбар ходимлар уни Андижонга бориб ишлашга таклиф этадилар. Ҳар доим янги созанда ва шоирлар билан ишлаш иштиёқида юрган Рўзиматхон бу таклифни қабул қилади. У Андижонда Ҳ. Ҳ. Ниёзий билан танишиб, дўстлашади.

1927 йил 25 сентябрда Наманган шаҳри раҳбарларининг таклифига биноан яна Наманганга қайтади. 1928 йил март ойида 1-болалар уйида янги музика тў-

гараги ташкил этиб, 26 нафар болага музика чалиш сирларини ўргатади. 1931 йилда шаҳарда музикали драма театри ташкил этишда жонбозлик кўрсатади.

Рўзиматхон ҳаваскорлар ансамблини тузиб, концертлар берди. Томошабинлардан тушган маблағни эса шаҳар маорифи бўлимига топширади. Наманган шаҳридаги 2, 4, 15, 16-мактаблар ана шу маблағ ҳисобига қурилган.

Уста Рўзиматхон «Фарҳод ва Ширин», «Ерилтош» сахна асарлари учун куй басталади. У кўплаб шогирдлар етиштирди. Партия ва ҳукуматимиз Уста Рўзиматхон Исабоевнинг музика санъати соҳасидаги хизматларини тақдирлаб унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» деган юксак унвон берди.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, муҳтарам ўқувчилар, Сизлар Наманган шаҳрининг 1917 йилгача бўлган тарихи билан танишиб чиқдингиз. Ёзма манбалар — архив ҳужжатлари, дастлабки археологик тадқиқот натижалари, тарихий ва этнографик материалларнинг гувоҳлик беришича, бугунги Наманган тахминан ўзининг минг йиллик тарихига эга бўлиб, республикамизнинг кўҳна шаҳарлари қаторидан ўрин олади. Афсуски турли вақтларда тўпланган археологик, тарихий ва этнографик материаллар эса шаҳар ёшини аниқ белгилаш учун ҳали етарли илмий асос бўла олмайди. Бунинг учун қилинадиган илмий тадқиқот ва изланиш ишлари олдинда.

Наманган бошқа шаҳарлар каби ўзининг узоқ ўтмиш тарихига эга. Бинобарин, у воҳамиздаги қадимий Косон ва Ахсикент шаҳарларининг вориси сифатида таркиб топиб ривожланганлиги илмий ҳақиқатга яқиндир. Модомики шундай экан, Наманган тарихини ўша шаҳарлар тарихи билан боғлиқ равишда ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бу масала эса тарихчи олимларнинг яқин келажакдаги муҳим вазифаларидан бири бўлиб, бу ишни ниҳоясига етказиш эса шарқшунослар, тилшунос, тарихчи, археолог, этнографлар ва бошқа мутахассислар билан ҳамкорликда комплекс равишда ишлашни талаб этади.

Биз юқорида Наманганда туғилиб ёхуд турли даврларда яшаб ижод этган машҳур кишиларнинг ҳаёти билан ҳам қисқача танишиб ўтдик. Уларнинг ҳаёти ва

илмий-адабий мероси эса, ўз навбатида, шаҳарнинг социал-иқтисодий ва маданий ҳаёти тарихини яратишда қимматли материал бўлиб хизмат қилади. Ҳозир Наманган шаҳар территориясида 24 та архитектура, 8 та тарихий революцион, 2 та археологик ва 16 та монументал санъат ёдгорликлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос тарих ва мазмунга эга. Бу ёдгорликлар меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг муҳим воситаларидан биридир.

Ўзларининг бой тарихий ўтмишига эга бўлган наманганликлар бугун ўз шаҳарларини социал-иқтисодий жиҳатдан юксалтириш ва маданий жиҳатдан ободонлаштириш борасида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Улар КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди қарорларини собитқадамлик билан бажариш учун сидқидилдан меҳнат қилиб, коммунизмнинг бунёдкорлик ишларига муносиб ҳисса қўшмоқдалар, ёрқин келажак сари шахдам қадам ташламоқдалар.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
XVIII—XIX асрнинг 70-йилларида Наманган	6
Шаҳарнинг пайдо бўлиши ва унинг номи ҳақида	17
Қўқон хонлиги даврида Наманган	
Чоризм ҳукмронлиги даврида Наманганни, сиёсий ва иқтисодий аҳволи	24
Маданий ҳаёт	24
Халқ ҳаракатлари	28
Наманганнинг тарихий ёдгўрликлари ва машҳур кишилари.	42
Архитектура ёдгўрликлари	42
Машҳур кишилар	44
Хулоса	55

Ю. Қасымов

ИЗ ИСТОРИИ ГОРОДА НАМАНГАНА

На узбекском языке
Ташкент, «Фан»

Ўзбекистон ССР ФА илмий-оммабоп китоблар таҳрир ҳайъати
томонидан нашрга тасдиқланган

Муҳаррир *Н. Қасимова*
Рассом *А. Баҳромов*
Бадний муҳаррир *Р. Кривошей*
Техмуҳаррир *Г. Негматова*
Корректор *М. Шамсутдинова*

ИБ № 5225

Теришга берилди 26.01.90. Босишга рухсат этилди 20.03.90. P00585. Формат 84×108¹/₃₂. Босмаҳана қорғози № 1. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 2,94. Ҳисоб-нашриёт 2,8. Тиражи 3000. Заказ 46. Баҳоси 10 т.

ЎзССР «Фан» нашриёти: 700047, Тошкент, Гоголь кўчаси, 78.
ЎзССР «Фан» нашриётининг босмаҳонаси: 700170, Тошкент, М. Горький прос-
пекти, 79.

~~Бахоси 10 т.~~